

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 372.36**

ЗИЁДУЛЛАЕВА САРВИНОЗ ШАМСИДДИН қизи

**БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Мутахассислик: 5A110701- «Бошланғич таълим»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

педагогика фанлари номзоди, доцент
Нуруллаева Шахло Уктамовна

ҚАРШИ- 2019

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I боб. Бошланғич синфларда дифференциал таълимни ташкил этишнинг назарий асослари	10
I.1. Дифференциал таълимни ташкил этиш – ижтимоий-педагогик муаммо сифатида	10
I.2. Ўқувчиларни дифференциаллаштириб ўқитишнинг психологик асослари	19
I.3. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли ва қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар таҳлили	25
II боб. Бошланғич таълим жараёнида дифференциаллаштириб ўқитиш мазмуни	32
II.1. Бошланғич синфларда математикани дифференциаллаштириб ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари	32
II.2. Бошланғич синф математика дарсларида дифференциаллаштирилган ўқув топшириқлари таснифи	36
II.3. Бошланғич таълим жараёнида иқтидорли ўқувчилар билан олиб бориладиган иш усуллари	41
II.4. Ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан олиб борилаётган иш усуллари	47
III боб. Бошланғич таълим жараёнида дифференциал таълимнинг самарадорлиги	55
III.1. Ўқувчиларнинг иқтидорлилик даражалари ва қизиқишларини аниқлаш методикаси	55
III.2. Тажриба-синов ишлари натижаларининг якуний таҳлили	62
Хулосалар	68

Фойдаланилган адабиётлар руйхати	72
Иловалар	75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019-йил февраль ойидаги 4199- сонли қарорига мувофиқ ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатнинг келгусидаги жадал тараққиёти ёш истеъдодларни аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиш тизимини ташкил қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратиш бўйича ишлар сифатини ошириш заруратини тақозо этмоқда.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ иқтидорли ўқувчилар учун ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги президент мактаблари ташкил этилиши иқтидорли болаларни аниқлаш танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида ўқувчилар эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, иқтидорини инобатга олиш ва ривожлантириш таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай мезонлар асосида ташкил этиладиган дифференциал

таълимни бошланғич синфларданок қўллаш шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш имконини беради. Дифференциаллаштирилган таълимда ўқувчиларни индивидуал тарзда, шунингдек, табақалаштирилган гуруҳларга ажратиб ўқитиш, уларнинг мустақил ишларини тўғри ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш орқали билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, лаёқатини ҳисобга олиб, машғулотларни ташкил этиш орқали унинг самарадорлигини оширишга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ва 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ талими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПКҚ-3289-сон Қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагогик тадқиқотлар тараққиётининг замонавий босқичларида ҳам янги авлод кадрларини таълим мазмунини модернизациялаш асосида тайёрлаш, уларнинг қиёфасида энг олий маънавий–ахлоқий сифатларга эга бўлган, интеллектуал салоҳиятли етук баркамол кадрларни етиштириш бўйича кўплаб асарлар яратилган. М.Иномова, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Р.Сафарова, М.Қурононов, А.Чориев, Ж.Ғ.Йўлдошев, Х.Ибрагимов, Б.Х.Рахимов, М.Ҳ.Маҳмудов, Р.Ш.Ахлиддинов, Р.Ҳ.Жўраев, Ш.Қ.Мардонов, Ў.А.Жуманазаров каби олимлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир.

Узлуксиз таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосидаги касбий етук мутахассислар тайёрлаш муаммолари Б.Р.Жўраева, В.К.Дьяченко, М.Э.Жумаев, И.А.Климова, С.Н.Маркова, В.С.Мерлин,

Л.М.Митина, В.Каримова, Ҳ.Тиллашева, Б.Х.Рахимов, О.Ҳасанбоева, М.Ҳ.Маҳмудов, Д.Н.Юлдошева ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Маълумки, кейинги йилларда таълим–тарбия жараёнидаги фаолият юритишни муайян режалаштирилган тартибга солувчи ёндашув сифатида педагогик технология назариясидан фойдаланган ҳолдаги педагогик фаолият эътироф этилмоқда. Жумладан, бўлажак мутахассисларни тайёрлашларга технологик ёндашув қилиш ва мазкур жараёнларга АКТ дан кенг фойдаланишни амалга ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Н.Азизхўжаева, С.И.Архангельский, В.П.Беспалько, В.А.Сластенин, Ю.Азларов, Х.А.Тўрақулов, К.Зарипов, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.Кларин, М.Очилов, Н.Сайдахмедов, Ў.Қ.Толипов, Б.Л.Фарберман, У.Нишоналиев ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижалари аҳамиятлидир. Юқорида номлари қайд этилган мутахассис–олимларимизнинг илмий изланишлари натижалари таълим–тарбия жараёнларини олиб боришнинг бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг оптимал вариантларини яратишга муҳим дидактик асос бўла олади.

Дифференциал таълимни ташкил этиш муаммосига Р.Жўраев, Э.Сатторов, Р.Сафарова, рус олимларидан Л.С.Виготский, Н.А.Менчинской тадқиқотларида алоҳида ўрганилган бўлса, айнан математика фанини табақалаштириб ўқитиш муаммоси Т.Д.Гончарова ва М.Ж.Жадрина ишларида тадқиқ этилган.

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган ўқув-тарбиявий жараён, асосан, ўрта даражада билимларни ўзлаштирувчи ўқувчиларга мўлжалланади. Шунингдек, давлат таълим стандарти талаблари ҳам кўпгина ўқитувчилар учун асосий мақсад бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, Давлат таълим стандартлари ўқувчилар тайёргарлик даражасига қўйилаётган минимал талабларни белгилаб беради. Бундай ҳолат синфдаги билимларни яхши ва тез ўзлаштирувчи, иқтидорли ўқувчилар ҳамда қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар билан олиб борилаётган ишларда сусткашликни ва

этиборсизликни юзага келтирмоқда. Натижада эса ҳар қандай иқтидор, лаёқат ҳам этиборсизлик туфайли юзага чиқмайди, ривожланмайди ва хаттоки, сўниб бориши ҳам мумкин. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун нашр этилаётган методик қўлланма ва тавсияларда ҳам иқтидорли ва паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш учун алоҳида ўқув материаллари ажратилмаган. Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш муаммоси тезкорлик билан ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолар сирасига киради, десак янглишмаймиз. Шу сабабли магистрлик диссертациямиз мавзусини **“Бошланғич синфларда дифференциал таълимни ташкил этиш технологияси”** тарзида танладик.

Тадқиқот мақсади бошланғич таълим самарадорлигини оширишда дифференциал ёндашув йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти дифференциал таълим орқали бошланғич синф ўқувчилари саводхонлигини ошириш жараёни.

Тадқиқот предмети дифференциал таълим орқали бошланғич синф ўқувчилари саводхонлигини ошириш мазмуни, шакли, методи, воситалари ва технологиялари.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги **вазифаларни** амалга ошириш кўзда тутилади:

- тадқиқот мавзусига оид илмий манбаларни ҳамда Ўзбекистон ва хорижий таълим тажрибаларини таҳлил қилиш асосида дифференциал таълим орқали бошланғич синф ўқувчилари саводхонлигини ошириш заруриятини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

- ўқувчиларни табақалаштириш мақсадида педагогик-психологик хусусиятларига оид манбаларни ўрганиш, лаёқат ва иқтидор тушунчасига доир олимлар қарашларини таҳлил қилиш;

- Ўқувчиларнинг дифференциаллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ва бошланғич синф ўқувчиларини табақалаштириш мезонларини белгилаш;

- Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаш асосида дарсда иқтидорли ва қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашга доир топшириқлар тизимини тайёрлаш.

- Муаммога доир тажриба-синов ишларини амалга ошириш ва тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлик даражасини аниқлаш ҳамда хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, илмий изланишларимиз давомида дифференциал таълимга оид илмий манбалар таҳлил қилинди, дифференциаллаштириш учун кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда “иқтидор” тушунчаси назарий жиҳатдан ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамият илмий изланишлар давомида ўқувчиларни дифференциаллаштириш учун уларнинг иқтидорлилик даражасини аниқлаш, ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилганлиги ва ушбу методиканинг амалда қўлланувчанлиги билан белгиланади.

Ҳимояга қуйидаги ҳолатлар олиб чиқилди:

1. Дифференциал таълимга доир педагог олимларнинг қарашлари таҳлили.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳамда табақалаштиришнинг педагогик-психологик асослари таҳлили.

3. Бошланғич синф ўқувчилари орасидан иқтидорлиларни ва қийин ўзлаштирувчи ўқувчиларни аниқлаш методикаси.

4. Бошланғич синфлар учун дифференциал ёндашув асосидаги топшириқлар тизими.

Тадқиқот давомида кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари, педагогик эксперимент, қиёсий таҳлил каби **педагогик илмий тадқиқот методларидан** фойдаланилди.

Тадқиқотнинг **методологик асосини** иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга доир қарашлар, меърий ҳужжатлар,

дифференциаллаштириб ўқитишга доир педагогик, психологик ва фалсафий қарашлар ташкил этади.

Диссертация кириш, уч боб, тўққизпараграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

І БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

І.1. Дифференциал таълимни ташкил этиш – ижтимоий-педагогик муаммо сифатида

Таълим жараёнига янги технологияларни жорий қилиш, таълим-тарбия самардорлигини ошириш, мустақил фикр эгаси бўлган ёшларни тарбиялаш каби педагогик вазифаларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги ҳаммамизга маълум. Шу билан бирга замонавий педагогик технологияларни таълим тизимида татбиқ этишнинг муҳим жиҳати ҳисобланган таълим жараёнини дифференциаллаштириш масаласи ҳам жуда долзарбдир.

Дифференциал таълим технологияси бу таълимни инсонпарварлаштириш ва шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш имконини бериб, унга қатор педагог олимлар алоҳида эътибор қаратиб келганлар ва уни амалиётга татбиқ этиш учун дастурий таъминот устида қатор ўзгаришларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан, самарали педагогик услублар, ўқув-методик материалларнинг дифференциаллаштирилган янги авлодини яратиш, ўқитувчиларнинг мунтазам малакасини ошириб бориш, таълим муассасалари моддий-техник базасини янгилаш каби вазифаларни амалга ошириш зарур. Бу каби ишларни амалга ошириш ўқитувчилардан катта масъулият ва ижодкорликни талаб этади. Бунинг учун ўқитувчилар шахсий иш режалари, дастурлар, кўргазмали ва таркатма материалларни ўзлари тайёрлашлари талаб этилади.

Дифференциал таълимга педагогик луғатларда шундай таъриф берилади:

Дифференциал таълим (лот. *differentia* - фарқ) — ўқувчиларнинг лаёқати, қизиқишлари, қобилиятини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган ўқув фаолияти шакли. (*Бим-Бад Б.М. Педагогический энциклопедический словарь. — М., 2002. С. 74*).

Ушбу таърифда дифференциаллашган таълимни ташкил этишининг туб моҳияти тўлиқ очиб берилмаган. Аммо кейинги таърифда ушбу ҳолат батафсил ёритилган:

Дифференциаллашган таълим ва тарбия — бу ўқувчиларнинг қизиқишлари, мотивацияси, шахсий имкониятлари ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олиш асосида ташкил этиладиган ўқув фаолияти шаклидир. Ушбу таълим шаклининг туб моҳияти ўқувчилар гуруҳини муҳим белгилари (хусусиятлари)га кўра кичик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга бир хил ўқув материални ўзига хос мазмун ва даражада тайёрланган ўқув топшириқларидан фойдаланган ҳолда етказиш билан ифодаланади. Таълим муассасалари ўқувчилар қизиқишлари ҳамда қобилиятларини инобатга олган ҳолда кўп даражали таълим-тарбия тизимини мустақил ҳолда ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга. Педагогикада дифференциаллаштириш таълим мақсади ва вазифалари, принциплари, мазмуни, метод ва шаклларига нисбатан ишлатилиши мумкин. Дифференциаллашган таълим таркибига кўра турли вазиятларга мослашувчан, вақтинчалик ўқув гуруҳларини ташкил этиш имконини беради. (*Основы духовной культуры (энциклопедический словарь педагога)*).— Екатеринбург. В.С. Безрукова. 2000).

Рус олимлари М.Ю.Олешков ва В.М.Уваровлар дифференциал таълимни ҳар бир табақалаштирилган гуруҳларга мос ҳолда танланадиган таълимнинг ташкилий шакли сифатида кўрсатадилар:

Дифференциаллашган таълим — ўқувчиларни ўзига хос белгиларига (қизиқишлари, ўзлаштириш даражалари, ўзлаштириш имкониятлари ва ҳ.к.) кўра кичик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга специфик метод ва иш усулларини танлашга таяниб амалга ошириладиган таълимнинг ташкилий шаклларидан биридир. (*Современный образовательный процесс: основные понятия и термины*. М.Ю. Олешков, В.М. Уваров. — М.: Компания Спутник. 2006).

Н.В.Новоторцева эса коррекцион педагогик жараёнда ушбу таълим туридан ўқувчилардаги психо-физиологик нуқсонларни бартараф этиш мақсадида қўллаш йўлларига тўхталиб ўтади:

Психофизиологик ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитишда дифференциаллашган таълим — бу махсус (коррекцион) таълим муассасаларида болаларни улар ривожланишидаги нуқсонларнинг даражаларига кўра гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга мос бўлган таълим-тарбия методлари ва мазмунини белгилаш ҳамда ташкил этиш шаклидир. Гуруҳларга ажратиш учун болаларни турли текширувлардан ўтказувчи психологик, тиббий ва педагогик хулоса берувчи махсус комиссия хулосасидан фойдаланилади. (*Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. — СПб.: КАРО. Н.В. Новоторцева. 2006*).

Дифференциал таълим – таълим жараёнига шундай ёндашувки, бунда ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари максимал даражада инobatга олинади. Дифференциаллаштирилган таълим дарс жараёнида ўқув материали мазмунини мослаштириш, айрим топшириқлар бажариш жараёнини ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларига таянган ҳолда мослаштириш, қийинчиликларни бартараф этишга ўргатиш, ўқувчиларга методик ёрдам кўрсатиш асосида ташкил этилади.

Таълимга дифференциал ёндашув — турли мактаб, синф ёки гуруҳларда улар контингенти хусусиятларини инobatга олиб ўқитиш мақсадида ҳар бир гуруҳга ўзига хос ўқув имкониятларини яратишдир; гомоген гуруҳларда таълимни ташкил этишга қаратилган методик, психологик, педагогик, ташкилий ва бошқарув тадбирлари комплексидир. Бундай ёндашув асосида бир гуруҳда турли қобилиятга эга бўлган ўқувчиларни бир гуруҳда ўқитиш имконияти яратилади ва ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини юзага чиқариш учун қулай имконият яратилади.

Дифференциаллаштирилган таълим технологияси – бу ўқувчилар учун қулай шароит яратиш асосида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлик

фаолиятига таяниб ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш, баҳолаш жараёнини тизимлаштиришдир.

Дифференциаллаштириб ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришига эришилади;
- уларнинг билим ва малакаларида, ижодий ишларида ўсиш кузатилади, уларнинг фанга қизиқишлари орта боради;
- ўқувчиларнинг фаоллиги ошади;
- ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларига қараб билим берилаётганлиги сабабли, уларда ўқув юкларини ўзлаштиришда зўриқиш ҳоллари бўлмайди;
- иқтидорли ўқувчиларнинг чуқур билимлар олишга бўлган эҳтиёжлари қондирилади;
- дифференциаллаштириб ўқитиш уни демократлаштиришга ва инсонпарварлаштиришга ёрдам беради.

Дифференциал таълимнинг ушбу жиҳатлари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳим ҳисобланади. Уларни мустақил фикрлашга, ўз устида мунтазам ишлашга ундайди.

Дифференциаллаштириб ўқитишни ўқувчиларнинг ақлий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш нотўғри. Уни ташкил этишда ўқувчиларнинг индивидуаллиги, қизиқишлари, иқтидори қабиларга таяниш лозим. Чунки бу жараёнда ўқувчининг индивидуаллигини намоён қилиши учун қулай имконият вужудга келади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари, иқтидори, интилиш ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим мазмунини табақалаштириш демократик ёндашув бўлиб, у ўқувчи шахсининг ўзлигини намоён қила олиши учун қулай шарт-шароит яратади. Бугунги кунда педагогика фани олдида дифференциал таълимнинг илмий асосларини яратиш, ўқувчиларни дифференциаллаштириб ўқитиш жараёнини назарий методик жиҳатдан таъминлаш, табақалаштириб ўқитишни ташкил этиш

шакл, метод, восита ва технологияларини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятга жорий этиш каби муҳим масалалар турибди.

Бунинг учун таълим жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур:

- ўқитувчилар шахсига индивидуал ёндашув асосида табақалаштириб ўқитиш соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётга жорий этиш механизмини ишлаб чиқиш;

- дифференциаллаштирибўқитишнинг ижтимоий-иқтисодий, умумдавлат миқёсидаги аҳамиятини аниқлаш;

- дифференциаллаштирибўқитиш жараёнининг педагогик жиҳатдан яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

- дифференциаллаштирибўқитишнинг йўналишлари, мазмуни, шакли, восита ва методларини англаш;

- индивидуал ёндашув асосида гуруҳланган жамоаларга таълим бериш жараёнида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш йўллари ишлаб чиқиш;

- дифференциаллаштириб ўқитиш жараёнида ўқитувчилар иш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос назарий-методик кейсларини яратиш;

- индивидуал ёндашув асосида дифференциаллаштирибўқитишнинг ташкилий шакллари давлат илм-фани, ишлаб чиқаришини ривожлантиришга йўналтирилган таълим назарияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш;

- ўқитувчи шахсий қобилияти, иқтидори, қизиқишларини ривожлантиришга ва муайян мақсадга йўналтиришга хизмат қиладиган таълим-тарбия назариясини яратиш кабилар. (Сафарова Р. Табақалаштирилган таълимга утишнинг айрим масалалари // «Умумтаълим

мактабларида табакалаштириб уқитиш муаммолари» Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: УзПФИТИ. 2003. - Б.124-127.)

Дифференциаллаштириб ўқитишда ўқувчилар учун ўқув режаси эркин бўлади. Шунга кўра, харбир ўқувчи ўзининг индивидуал таълим йўналишини танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу таълим сифатини ошириш учун қулай имкониятлар яратади. Бунда таълим жараёни фақатгина ўқувчига маълум миқдордаги билимни ўргатишга йўналтирилиб қолмасдан, шахснинг ривожланиши, ўзлигини намоён қила олиши, қобилиятининг ўсишига ҳам қаратилиши талаб этилади.

Фанларни дифференциаллаштириб ўқитиш масаласини муваффақиятли ҳал этганда ўқувчиларнинг мустақил таълими муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи мустақил таълимини ташкил этишда муайян фан хусусиятлари, ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда турли шакллардан фойдаланилади.

АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида иқтидорли ўқувчиларни махсус дастурлар бўйича ўқитишнинг қарийб ярим асрлик амалиёти бундай таълимнинг ҳамма ерда юқори сифатини аниқлатмайди. Иқтидорли ва ситеъдодли ўқувчилар бўйича Европа кенгаши (ЕСНА) экс-президенти Дж.Фриман таъкидлаганидек, «иқтидорлилар учун кўплаб таълим дастурлари мавжуд, уларнинг асосида ҳеч бир илмий ишланма мавжуд эмас, уларнинг ташкилотчилари ўзларининг хатосизлигига ишонч асосидагина иш кўрадилар». Тушунарлики, илмий ишланма – юқори ёки паст интеллектуал ва ижодий имкониятга эга ўқувчилар учун яратилганидан қатъий назар исталган яхши дастур яратиш йўлидаги илк қадам.

Иқтидорли ўқувчилар учун дастурларнинг ўзига хослиги нимадан иборат? У умуман мавжудми? Аввал айтилганидек, анъанавий таълим дастури иқтидорли ўқувчининг ривожланиши учун ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиши мумкин, бу иқтидорли ўқувчиларни ўқитиш муаммосини ҳал қилиш заруратига фойдасига асослардан бири эди. Бундан ташқари, мазкур

муаммони ўрганишнинг яна бир жаҳати бор. Яхши маълумки, таълим дастурлари самарадорлиги уларнинг ўзлари мўлжалланган ўқувчиларнинг эҳтиёж ва имкониятларига мувофиқлигига боғлиқ. Мактаб таълими асосини ташкил қиладиган билиш фаолияти ўқувчининг мотивацияли ва когнитив тавсифларига мувофиқ келмаса, унинг ривожланишда юқори даражаларга эришишини кутиш мушкул. Иқтидорли ўқувчилар бошқа тенгдошларидан фарқли ўлароқ, алоҳида эҳтиёж ва имкониятлар билан тавсифланишини тан олсак, уларни ўқитиш учун махсус дастурлар ёки, ҳеч бўлмаса, шипотетик «ўртача» ўқувчига мўлжалланган анъанавий таълим дастурларининг қандайдир модификациялари зарур.

Ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ёки «иқтидорлилик белгилари» кўпинча психологлар орасида катта мунозарага сабаб бўлади. Иқтидорлиликнинг асосий белгилари узун «рўйхати» мавжуд, уларда иқтидорли ўқувчиларнинг реал ҳаёт ва фаолиятда намоён қиладиган хусусиятлари акс этган. Одатда, бундай белгиларнинг мавжудлигини ўқувчи хулқи хусусиятларини кузатишда баҳолаш мумкин. қийинчилик шундан иборатки, иқтидорлилик белгиларининг ўзи жуда ранг-баранг ва ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқ. бу ҳол иқтидорли ўқувчилар хусусиятлари «рўйхати»га нималар киритилиши, нималар киритилмаслиги, қайси белгилар албатта намоён бўлиши, қайсилари намоён бўлмаслиги кераклиги ҳақидаги ва ш.к. тасаввурларда сезиларли тафовутларни келтириб чиқаради. Фикримизча, ажратиладиган белгилардан лоақал биттаси мутахассис эътиборини тортиши ва уни муайян вазиятни батафсил ва давомли таҳлил қилишга ундаши керак деган позицияни мазкур масалада тобора продуктив деб санаш мумкин.

Барбара Кларкнинг китобида ақлий (интеллектуал), академик, ижодий, лидерлик иқтидори ва визуал ҳамда ижрочилик санъати (мусиқа, рангтасвир, рақс, драма) соҳасида истеъдодини характерлайдиган бешта шундай рўйхат келтирилади. Бизни умумий иқтидорлиликка алоқадор бўлган, ўқувчининг ақлий (интеллектуал) иқтидорлилиги ётадиган кўп сонли

тавсифлардан нимани ажратиш мумкинлиги қизиқтиради. Бундай тавсифлар таҳлили қуйидаги тобора умумий тавсиф (характеристика) ларни ажратиш имконини беради:

- кенг қамровли қизиқувчанлик ва билим олишга бўлган катта эҳтиёж;
- ақлий юкламага бўлган катта эҳтиёж;
- қандайдир машғулот ёки фаолият соҳаларига яққол ифодаланган қизиқиш, нимагадир ғайриодатий берилиш;
- мустақил қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги қатъият;
- билимларни мустақил равишда янги вазиятда қўллаш;
- муаммони ҳал қилишнинг оригинал усуллари топа билиш малакаларини эгаллай борадилар.

Ўқувчиларнинг тобора «умумий хусусиятларини» ажратаётиб, биз учун фавқулодда муҳим бўлган яна бир факт – бундай ўқувчилар орасида индивидуал тафовутлар спектрининг кенгилигини ҳамма вақт ёдда тутиш керак. Бу уларнинг қизиқишларининг йўналганлигига ҳам, интеллектуал ўсиш ёки илгарилаш суръатларига ҳам, ниҳоят, иқтидорлиликнинг ривожланганлик даражасига ҳам тааллуқли. Ўқувчиларда индивидуал тафовутлар спектри шунчалик кенгки, амалда ўқувчиларнинг ёшга оид хусусиятларини тўлиғича ёпа олади. Амалиётда бу иқтидорли ўқувчи билан бевосита танишгунга қадар унинг хусусият ва имкониятлари ҳақида бирор аниқ тасаввурлар қилиш мумкин эмаслигида намоён бўлади. Мактабга келаётган олти-етти ёшли ўқувчидан маълум доирадаги билим ва малакаларни кутишга ҳақлимиз. Масалан, алифбони билиш, бўғинларни сўзларга бирлаштириш ва йигирмагача санаш, топишмоқ ва эртақларга қизиқиш.

Ўқувчиларнинг шу қадар ранг-баранг эҳтиёж ва имкониятларини қондириш учун анъанавий таълим мазмуни қандай ўзгаришларни бошдан кечириши керак? Бошқача айтганда, ўқувчилар учун таълим мазмуни қайси тамойилларга асосланиши лозим? Тамойиллар қандайлигини аниқлаш учун бу тоифа ўқувчиларнинг ўзига хос эҳтиёж ва имкониятларинигина эмас,

балки иқтидорли ўқувчилар таълими ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам билиш керак.

Таълимнинг марказий вазифалари, аниқроғи мақсадлари – ўқувчи индивидуаллигини кашф қилиш йўллари таъминлаш, тизимли тафаккурни, дунёни яхлит идрок қилишни ва шахснинг маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш сифатида белгиланди. Бу вазифалар иқтидорли ўқувчиларни ўқитишга нисбатан специфик (ўзига хос) саналмай, балки барча ўқувчилар учун долзарбдир. Иқтидорли ўқувчиларни ўқитиш учун бу вазифаларнинг қўйилиши биринчи даражали аҳамиятга эга экани бошқа гап. Бу таълимнинг анъанавий вазифалари - билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш иқтидорли ўқувчилар учун мактабга салбий муносабатнинг сабаби бўлиши мумкинлиги билан бирга ижтимоий буюртманинг ўзига хослиги билан ҳам боғлиқ.

Ахир ижтимоий буюртма нуқтаи назаридан, иқтидорли ўқувчилар ҳақида ғамхўрлик жамият олдида турган муаммолар ечимига умид, биринчи навбатда, айнан шу ўқувчилар билан боғлиқлиги, уларнинг маданият, фан, иқтисодиёт ва техника ривожига энг катта ҳисса қўшишлари кутилаётгани билан белгиланади. Таълимнинг яна бир, фавқулодда муҳим вазифаси – ўқувчининг ижодкор шахсини ривожлантириш ҳақида ҳам шу фикрларни билдириш мумкин.

1.2. Ўқувчиларни дифференциаллаштириб ўқитишнинг психологик асослари

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. Ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли бўлишини хоҳлайди, «Мен ақллиман» демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. «Ақлсиз, нодон» деган сифат эса ҳар қандай одамни, ҳаттоки, ёш болани ҳам ҳафа қилади. Яна шу нарса характерлики, айниқса, бизнинг шарқ халқларида бирор кимсага нисбатан «ўта ақлли» ёки «ўта нодон» иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: «Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота-онасини кўйдираётган эмиш» деган иборалар аслида «ақллилик» категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий

кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва хаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Қобилиятлар шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал-психологик хусусиятлар эканки, психология фани луғатида берилган бу таърифи Б.М.Тепловнинг «Қобилият ва иқтидорлик» китобидаги тушунчалар билан янада тулдириш мумкин: Қобилият тушунчасида асосан учта ғоя мужассам, *«биринчидан, қобилият деганда бир кишининг бошқа кишидан фарқ этиб турадиган индивидуал-психологик хусусиятлар тушунилади, иккинчидан, қобилиятлар деб ҳар қандай индивидуал хусусиятлар эмас, балки бирор фаолиятни ёки куп фаолиятларни муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиганлари тушунилади. Учинчидан, қобилият тушунчаси шахсда мавжуд булган билим, кўникма ва малакаларни билдирмайди».*

Б.М.Теплов фикрига кура, қобилиятлар доимо ривожланмай туролмайди. Ривожланмаган, киши фаолиятида қулланилмай қолган қобилият вақт утиши билан йуқолади. Куп ва мунтазам равишда шуғулланиш орқали шахсда мураккаб фаолият соҳаларига нисбатан қобилиятлар ривожланади. Масалан, мусиқа, техника, бадий ижод, математика, спорт ва хоказолар.

Киши шахси қобилиятларининг хилма-хил турлари мавжуд. Биринчи навбатда кишида мавжуд булган табиий ёки биологик қобилиятлар фарқланса, кейингилари сифатида махсус, умумий, назарий, амалий, укув, ижодий, мулоқотга оид, фаолиятга, билишга оид кабиларни келтириш мумкин.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Ж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият

сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борликни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда «интеллект» сўзининг луғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект - лотинча сўз - intellectus - тушуниш, билиш ва intellectum - ақл сўзлари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар лаёқатлар деб юритилади ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, кўл-оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари - кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомлик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси

фарзандининг ҳам рассом бўлишини хохламаслиги, ўзига ўхшаш кўшиқчи бўлишини хохлаши мумкин. Аёл болани ёшлиқдан фақат мусиқа муҳотида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусиқачи ёки кўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлиқдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт-шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зехнини илк ёшлиқдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, «юраги чопган» иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни иқтидорли деймиз. Иқтидор - инсоннинг ўз хатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, сидқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга

кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро истеъдод- ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўзқобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан.

Талант (юнонча қимматбаҳо, ноёб нарса, ирсий, табиий хислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан иборат индивидуал хусусиятдир. Талантнинг асосий белгилари:

- Муваффақиятни таъминлаш;
- Фаолиятни мустақил бажариш;
- Оригиналликнинг мавжудлиги;
- Қобилият ва истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги;
- Индивидуал-психологик хислат эканлиги;
- Ижтимоий турмушни ўзгартирувчи яратувчи имкониятлиги.

Талант қобилиятлар йиғиндиси ёки уларнинг йиғиндисидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган яққа қобилиятни, ҳатто у тараққиётнинг юксак босқичига эришган, ёрқин ифодаланса ҳам у билан тенглаштириш мумкин эмас.

Қобилиятлар аввалом бор *умумий* ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуиқи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари

соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Умумий қобилиятларни махсус қобилиятларга зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас. Шахснинг умумий қобилиятлари уларни ҳосил қилувчи омиллар яққол психологик ҳодиса ёки воқелиқдир. Махсус қобилиятлар кўлам жиҳатдан торроқ бўлишига қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзларида мужассамлаштиради. И.П.Павлов ўз таълимотида “бадий”, “фикрловчи”, “ўрта” типларга ажратилган шахсларнинг тавсифини беради .

■ “Бадий тип” учун бевосита таассуротлар, жонли тасаввур, ёрқин идрок ва эмоциялар натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги ҳос.

■ “Фикрловчилар” учун эса мавҳум мантиқий, назарий, методологик мулоҳазаларнинг устунлиги ҳос.

■ “Ўрта” типдагиларда эса ҳар иккала тоифа хусусиятларининг ҳос эканлиги кўринади.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгиловчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўргазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукамал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Агар шахснинг маълум сифатлар йиғиндиси бирор вақт ичида қуйилган талабларга жавоб берса, бу нарса бизга унда мазкур фаолиятга қобилият борлиги туғрисида хулоса чиқаришга асос булади. Агар киши худди шунақа бошқа шароитларга унинг олдига фаолият рубару қиладиган талбларнинг урдасидан чиқа олмаса, ундатегишли қобилиятлар йуқ деб тахмин қилишга асосдир. Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, куникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ булади, лекин бу хусусиятларнинг узлари мазкур билим, куникма ва малакаларга таалуқли булмайди. Қобилиятлар фақат фаолиятда шунда ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён булади. Агар кишини расм чизишга ургатишга ҳам уринишмаётган булса, агар бу фаолият учун ҳеч қандай куникмани эгалламаган булса, унинг расм солиш қобилиятлари туғрисида гап булиши ҳам мумкин эмас. Фақат тасвирий саънатга махсус уқитиш жараёнида уқувчида қобилиятбор ё йуқлиги аниқланиш мумкин. Бу унинг иш усуллари ва ранг муносабатларини қанчалик тез ва осон узлаштириб олишида намоён булади.

Қобилиятлар индивидуал-психологик хусусиятлар сифатида, бир одамнинг бошқа одамдан фарқ қиладиган белгилари каби таърифланади. Қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, куникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён буладиган индивидуал-психологик хусусиятлардир.

I.3. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли ва қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар таҳлили

Замонавий умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли ва паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар, таълимни дифференциал ёндашув асосида ташкил этиш борасидаги ҳамда уларнинг замон талабларига мослигини аниқлаш мақсадида Қарши шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан, Қарши туманидаги 69-умумий ўрта таълим

мактабидан тажриба-синов ишларини амалга оширдик. Тажриба-синов ишларида жами 14 нафар бошланғич синф ўқитувчилари, 466 нафар (шундан, 1-синфдан 104 (50/54) нафар, 2-синфдан 122 (64/58) нафар, 3-синфдан 116 (60/56) нафар, 4-синфдан 124 (58/66) нафар) бошланғич синф ўқувчилари иштирок этдилар. Изланишлар давомида бошланғич синф ўқитувчиларининг 18 соатлик дарслари кузатилди, таълимга доир юритадиган хужжатларини ўргандик, анкета-сўровларини ўтказдик ҳамда ўқувчиларда иқтидорни шаклланганлик даражасини аниқлашга доир тестлардан фойдаландик.

Бошланғич таълим жараёнида амалда фойдаланилаётган математика, она тили ва ўқиш дарсликларини таҳлил қилиб чиқдик.

Бошланғич синф ўқиш дарсликларидаги мавзуга тааллуқли савол ва топшириқлар, бўлим юзасидан такрорлаш дарслари учун берилган саволлар ва топшириқлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва тафаккурини ўқтиришга хизмат қилади. Масалан, Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Г.Эштурдиевалар томонидан тайёрланган 1-синф учун “Ўқиш китоби” дарслиги, Т.Ғаффорова, Ш.Нуруллаева, З.Мирзаҳақимовалар томонидан тайёрланган 2-синф учун “Ўқиш китоби” дарсликларидаги савол ва топшириқлар барча ўқувчиларни фикрлашга ва зийракликка ундайди. Айниқса, мустаҳкамлаш дарслари учун мўлжалланган ўқув материаллари ўқувчилар учун жуда қизиқарли бўлиб, улар иқтидорини ривожлантиришга хизмат қилади.

1-4-синф дарсликларини ўрганиш жараёнида иқтидорли ўқувчилар ишлаши учун алоҳида ўқув материаллари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига эътиборни қаратдик. Ачинарли томони шундаки, деярли барча дарсликларда иқтидорли ўқувчилар учун алоҳида топшириқлар тўплами мавжуд эмас. Буни дарсликлар ҳажмининг чегараланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Фақатгина С.Бурхонов, Ў.Худоёров, Қ.Норқуловалар томонидан тайёрланган 3-синф “Математика” дарслигида иқтидорли ўқувчилар ишлашлари учун алоҳида топшириқлар берилган. Агарда бошқа дарсликларда ҳам қўшимча ишлаш

учун топшириқлар берилса, бу ўқувчиларнинг мустақил ҳолда ишлашлари учун яхши имконият бўлар эди. Ёки иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун барча предметлар бўйича топшириқлар тизимини жамлаган ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашр қилдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бошланғич синф ўқитувчиларига анкета саволлари тарқатдик ва олинган жавоблар таҳлил қуйидагича бўлди:

“Иқтидор (қобилият) туғмами ёки фаолият давомида орттириладими?” деб берган биринчи саволимизга ўқитувчиларнинг деярли ҳаммаси 12 нафари туғма бўлишини айтишди, қолган 2 нафар ўқитувчи қобилиятни туғма бўлишини ва фаолият жараёнида ривожланишини таъкидлашди. Бу жавобдан кўринадики, ўқитувчилар қобилиятнинг психологик ва педагогик асослари ҳақида аниқ маълумотга эга эмаслар.

“Иқтидорли ёки паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни қандай фарқлайсиз?” деб берган саволимизга 6 нафар ўқитувчи аниқ жавоб берди ва иқтидорли ўқувчилар бошқа ўқувчилардан тез фикрлаши ва ўқув материални тез ўзлаштириши билан ажралиб туришини таъкидладилар. 4 нафар ўқитувчи фақат билимларни тез ўзлаштиришини айтдилар, қолган 4 нафар ўқитувчи ноаниқ жавоб берди.

Ўқитувчилардан ўқувчиларнинг иқтидорлилик белгиларини санаб беришларини сўраганимизда, улар асосан билимларни тез ўзлаштиришини (14 нафар), зеҳнлиликни (10 нафар), зукколикни (8 нафар), саволларга оригинал ечим топа олишни (1 нафар), қўшимча топшириқларни талаб қилиб олишини (3 нафар), билим олишга бўлган кучли эҳтёжнинг мавжудлигини (3 нафар) айтиб ўтдилар.

“Сизнингча, бир синфда нечтагача ёки неча фоизгача иқтидорли ўқувчи бўлиши мумкин?” деб сўраганимизда улар ўртача 10-15 фоиз бўлишини таъкидладилар.

Ўқитувчилардан ўқувчиларда иқтидорнинг мавжудлигини аниқлаш усуллари ҳақида сўраганимизда улар асоан тест (6 нафар), савол-жавоб (5 нафар), қизиқарли саволлар ва топшириқлар (4 нафар), оғзаки ҳикоя (6

нафар), мантиқий масалар (4 нафар) каби методлардан фойдаланишларини айтиб ўтдилар.

Анкета сўровларидан аниқлашимизча 14 нафар ўқитувчидан фақат 5 нафарда иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган ўқув материали мавжуд.

Улар иқтидорли ўқувчилар билан, асосан, дарс давомида ишлаларини, 6 нафар ўқитувчи эса дарсдан ташқари вақтда ҳам алоҳида ишлаларини таъкидлаб ўтдилар.

Бошланғич синф ўқитувчиларидан дифференциал таълимни ташкил этишга доир тавсиялар беришларини сўраганимизда, улар қуйидаги фикрларни ва тавсиялар бердилар:

1. Иқтидорли ўқувчилар учун алоҳида синфлар ташкил этиш лозим.
2. Ҳар бир дарсликда иқтидорли ва паст ўзлаштирувчи ўқувчилар қўшимча ишлалари учун алоҳида материал берилиши керак.
3. Бошланғич синф ўқувчиларида иқтидорлиликни аниқлаш, ўқувчиларни дифференциаллаштириб ўқитишга доир методик қўлланма нашр эттириш керак.
4. Ҳар бир мактабда ўқувчиларни рағбатлантиришга доир тадбирлар тизими ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўқувчиларда иқтидорни шаклланганлик даражасини аниқлаш учун тест саволларидан фойдаландик ва 16 баллик шкала билан белгиладик. Бунда ҳар бир ўқувчига 5 тадан тест саволлари тарқатилди. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балдан, 6 балл эса топшириқни бажариш тезлигига кўра, яъни 5 дақиқа давомида бажарган ўқувчига 6 балл, 8 дақиқа давомида бажарган ўқувчига 4 балл ва 10 дақиқа давомида бажарган ўқувчига 2 балдан қўшимча балл берилди. Олинган натижалар тўпланган балларга кўра қуйидаги мезон бўйича баҳоланди:

14-16 балл – иқтидорли ўқувчи

10-13 балл - яхши ўзлаштирувчи ўқувчи

7-9 балл – ўрта даражада ўзлаштирувчи ўқувчи

6 балл ва ундан паст – ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчи.

Тажриба-синов учун танлаб олинган Қарши шаҳридаги ва Қамаш туманидаги мактабларнинг бошланғич синфларида ўқувчиларнинг иқтидорлилик даражалари ва улар билан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини аниқлаш учун математика фанидан ўтказилган тест синовлари натижалари қуйидагича бўлди:

1.3.1-жадвал

Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги

Синфлар	Иқтидорли ўқувчилар		Яхши даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	А гуруҳ	Б гуруҳ	А гуруҳ	Б гуруҳ	А гуруҳ	Б гуруҳ	А гуруҳ	Б гуруҳ
1-синф ўқувчилари	2	2	10	14	26	22	12	16
2-синф ўқувчилари	4	4	22	20	24	24	14	10
3-синф ўқувчилари	4	2	10	12	24	22	22	20
4-синф ўқувчилари	4	4	22	28	24	24	8	10

Ушбу натижаларда бошланғич синфларнинг ҳар бир босқичидан ўқувчилар сони, ўқитаётган ўқитувчиларининг тажрибаси ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари бир хил бўлган параллел синфлар танлаб олинди.

Тажриба-синов натижаларининг аниқлаш босқичидаги тест-синовлари натижаси фоиз ҳисобида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

**Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан олиб
борилаётган ишлар самарадорлиги
(фоиз ҳисобида)**

Синфлар	Иқтидорли ўқувчилар		Яхши даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	А гуруҳ	Б гуруҳ	А гуруҳ	Б гуруҳ	А гуруҳ	Б гуруҳ	А гуруҳ	Б гуруҳ
1-синф ўқувчилари	4	4	20	26	52	40	24	30
2-синф ўқувчилари	6,3	7	34,5	35	37,5	41,4	21,7	17,5
3-синф ўқувчилари	6,6	3,6	16	21,4	39	39,6	38	36
4-синф ўқувчилари	6,8	6,5	38,8	42,5	40,8	36	13,6	15

Тест синовлари натижасига кўра иқтидорли ўқувчилар бошланғич синфларда ўртача 5,5 фоизни ташкил этади. Бундай натижалар ҳали бошланғич таълим жараёнида иқтидорли ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигини кўрсатди.

Бундан ташқари биз бошланғич синф ўқувчилари билан суҳбат ўтказдик, уларнинг бажарган ишларини кузтиш асосида ўқувчилар орасидан 8 нафарида тасвирий санъатга, 14 нафарида мусиқага қизиқиш ва иқтидор мавжудлигини аниқладик. Улардан 3 нафари тасвирий санъат билан, 8 нафари мусиқа тўғарагида мунтазам шуғулланиб келмоқда. Аммо қолган 11 нафар ўқувчининг лаёқати назардан четда қолмоқда.

Бошланғич таълим жараёнида иқтидорли ўқувчилар билан олиб борилаётган ишларнинг амалиётдага аҳволини билиш мақсадида олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

1-боб юзасидан хулосалар

1. Бошланғич синф ўқитувчилари иқтидорли ўқувчилар билан ишлашлари учун методик қўлланмалар етарли эмас.

2. Ўқувчиларда лаёқат ва қобилиятни аниқлашга доир диагностика ишлари мунтазам ва режали равишда олиб борилиши лозим.

3. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда мактаб психологлари ва бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳамкорликда ишлари иқтидорни аниқлаш жараёнида ҳам, ўқувчилар имкониятларига мос ўқув материалларини танлашда ҳам яхши самара беради.

4. Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар давомида ишлаш жараёни тадқиқ этиш ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Диссертациянинг кейинги бобларида ушбу муаммога доир методика ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик.

II БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШТИРИБ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ

II.1. Бошланғич синфларда математикани дифференциаллаштириб ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

Таълимни табақалаштириш жараёни – бу ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари, қизиқишлари, иқтидорини психологик-педагогик диагностика қилиш асосида турли хилдаги таълим шакллари, метод ва технологияларидан таълим жараёнини ташкил этишда кенг фойдаланишдир. Даражали дифференциация турли таълим техноогияларини қўллашнинг бир шакли бўлиб, таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ривожлантириш учун қулай шароит яратади. Бунда таълим шахсга йўналтирилган шаклда амалга оширилади. Демак, дифференциал таълимнинг қуйидаги муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- Дифференциал таълимни ҳар бир ўқувчини алоҳида шахс сифатида ўзигагина хос бўлган хусусиятларини инобатга олмасдан ташкил этиш мумкин эмас;

- Турли даражали дифференциаллаштириш асосида ўқитиш бу ўқувчилар шахсий хусусиятларини ривожлантириш воситаси ҳисобланади;

- дифференциал таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг ички имкониятларини юзага чиқариш асосида шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш мумкин.

Ўқув жараёнини дифференциал ташкил этишнинг асосий вазифаси ўқувчилар имкониятларини юзага чиқариш, ривожлантириш ва намоён этишга ёрдам бериш, ижтимоий талабларга мослашувчанлик ва барқарорликни таркиб топтиришдан иборат. У ҳар бир ўқувчининг лаёқат ва қобилиятларини максимал даражада ривожлантиришга ёрдам беради.

Дифференциал таълим жараёнида ўқувчиларга билим, кўникма ва малакалар давлат таълим стандартлари доирасида турли вариантли танлов асосида амалга оширилади. Таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларни

табақалаштириб ўқитиш якунида, албатта, ҳар бир ўқувчи томонидан ДТС да белгилаб қўйилган минимал билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига эришиш мақсад қилиб қўйилади.

Таълим жараёнида барча ўқувчилар учун бир талаб қўйилиши ўзлаштириш жуда юқори бўлган ёки аксинча, ўзлаштириш қийин бўлган ўқувчиларнинг кейинги тараққиётига салбий таъсир этиши, билим олишга бўлган қизиқишларини пасайтириши мумкин. Шу сабабли ҳар бир ўқувчига уларнинг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган дифференциал таълим ўқитувчига ҳам фаол ҳаракат қилиш, ўқувчиларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашиш учун имконият яратадиган даражада ташкил этилиши муҳимдир. Бунинг учун ўқитувчи дарс жараёнини режалаштираётганда ҳар бир гуруҳ учун дарс мавзуси ва мазмунига мос ҳолда алоҳида ўқув материали тайёрлашга эътибор қаратиши лозим бўлади.

Ўқув жараёнини дифференциал асосда ташкил этиш бир томондан ўқувчиларнинг абстракт ва мантиқий фикрлаш даражаси, психологик хусусиятлари ҳамда ақлий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш имконини беради. Иккинчи томондан, ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари, қизиқишлари ва хоҳиш-истаклари инобатга олинади. Дифференциал таълим жараёнида бу ҳар иккала томон кесишади.

Таълимни дифференциаллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва ўқув имкониятларини ўрганиш;
- ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш мезонларини аниқлаш;
- индивидуал ёндашув асосида ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- улар ишларини таҳлил қила олиш (ютуқ ва камчиликларни эътироф этган ҳолда);
- ўқувчилар фаолиятини ўқув жараёнини бошқаришга қаратилган истиқболли режалаштириш (индивидуал ва гуруҳли);

- дифференциаллаштириш жараёнида бесамар ёки самарадорлиги паст бўлган усулларни самарадор усуллар билан алмаштириш.

Ҳар бир ўқувчи ўзига хос тажрибага эга ва ўқитувчи уларнинг ҳар бирида ноёб қобилият эгасини кўра билиши лозим. Шу сабабли ўқувчиларга ўз қобилиятлари ва ютуқларини намоён қилиш учун имконият яратиш зарур. Бундай қобилиятларнинг ўқитувчи томонидан юзага чиқарила бошланиши дифференциал таълимдан самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Бундай ютуқларни инобатга олиш ўқитувчига дифференциал таълим асосида ўқувчиларнинг қандай имкониятлари юзага чиқиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу билан бирга ўқувчиларда мавжуд бўлган лаёқатлар ижтимоий, педагогик ёки ички таъсирларнинг ўзаро уйғунлиги асосида қай тарзда интенсив ривожланиши мумкинлигини кўрсатади. Бундай кўрсаткичларнинг аниқланиши ўқитувчига гуруҳ ҳамда ҳар бир ўқувчи ҳақида умумий ва индивидуал ҳолда маълумотлар олиш, улар учун индивидуал таълим ресурсларини танлаш имконини беради. Ва албатта, дифференциал таълим самарадорлигини таъминлайди.

Шахсга йўналтирилган таълим таълимни инсонпарварлаштириш дастурининг асосий ғояси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан таълим дастурларидаги умумийликдан ҳар бир ўқувчига мос ҳолда таналанадиган индивидуал ўқув топшириқларини танлашга ўтилиши таълим сифатини ҳам белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Бу стратегияни амалга оширишнинг муҳим аспектларидан бири эса педагогик жараёнга дифференциал ёндашувни амалга ошириш ҳисобланади. Зеро, айнан дифференциал таълимгина ўқувчилардаги лаёқат ва имкониятларни жуда эрта аниқлаш, юзага чиқариш ва ривожлантириш имкони беради. Замонавий бошланғич таълим концепцияси кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадининг устуворлиги билан характерланади. Ҳар бир ўқувчи билим олишга кучли эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим субъектига айланиши муҳимдир. Таълим жараёни ўқувчиарнинг ўзига хос хусусиятларига мос ҳолда кўп вариантли бўлиши

лозим. Таълимни дифференциаллаштириш ўқувчи шахсига индивидуал ёндашувнинг асосий воситаларидан биридир. Ўқувчиларнинг индивидуал ўзига хосликлари инобатга олинган ўқув-тарбиявий жараёндир.

Дифференциаллаштиришда дастлаб ўқувчилар маълум бир белгиларига кўра гуруҳларга ажратилади. Масалан, уларнинг қизиқишлари, танлаган касблари, билимларни ўзлаштириш даражалари, имкониятлари ва ҳоказо. Шу билан бирга ўқувчилар бир ўқув мақсади атрофидан бирлашадилар, ўқув топшириқлари интеграцияси ҳам амалга оширилади.

Дифференциал таълимда ўқув жараёнини ажратилган гуруҳларда тўғри режалаштириш, вақтдан унумли фойдаланиш, вазифаларни тўғри тақсимлаш ва самарали бошқариш вазифалари амалга оширилади.

Бир синф доирасида (ички) дифференциация асосида таълимни ташкил этиш қуйидаги этапларда амалга оширилади:

I. Тайёргарлик босқичи.

I.1. Ўқувчиларни дифференциаллаштириш мезонларини аниқлаш.

I.2. Ишлаб чиқилган мезонлар асосида диагностик ишларни (текшириш) амалга ошириш.

II. Амалга ошириш босқичи.

II.1. Диагностика (текшириш) натижаларига кўра ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш.

II.2. Дифференциаллаштириш усуллари танлаш ва турли даражадаги топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш.

II.3. Дарснинг турли этапларида дифференциал ёндашувни амалга ошириш.

III. Яқуний босқич

III.1. Ўқувчилар бажарган ишлари назоратини амалга ошириш ва шу асосда гуруҳлар таркибига ёки топшириқлар тизимига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш.

Бошланғич синфларда математика фанини дифференциаллаштириб ўқитишда ўқувчиларни индивидуал хусусиятлари, иқтидори, қизиқишларига кўра қуйидагича 3 та гуруҳга ажратиш мумкин.

Математика дарсларида ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишда уларнинг узиуишлари, имкониятлари ва билимларни ўзлаштириш даражаларини инобатга олган ҳолда қуйидагича мезонларни ишлаб чиқдик:

Биринчи гуруҳ – иқтидорли ўқувчилар гуруҳи. Бу гуруҳга юқори даражада ўзлаштириш ва ўқув имкониятларига эга бўлган ўқувчилар киритилади. Шунингдек, ушбу гуруҳга ўрта даражада ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлсада, ушбу фанни ўзлаштиришга кучли қизиқиши бўлган ўқувчиларни ҳам киритиши мумкин. Бу гуруҳ ўқувчиларининг ички эҳтиёжларига таянган ҳолда кўпроқ мустақил ишлашларига эътибор қаратилади. Иқтидорли ўқувчилар учун индивидуал топшириқлар ишлаб чиқилади.

Иккинчи гуруҳ –ўрта даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳи.Бу гуруҳ ўқувчилари билан ишлашда уларнинг фанга нисбатан қизиқишларини ошириш, ички мотивацияни ўстиришга ва ақлий фаолиятга муносабатини ўзгартиришга эътибор қаратилади. Улар берилган топшириқни вақтида бажаришга ҳаракат қиладилар, аммо қўшимча ишлаш учун уларда иштиёқ паст.

Учинчи гуруҳ паст даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар гуруҳи бўлиб, бу гуруҳга математика фанига қизиқиши, ўзлаштириши ва иқтидори паст даражада шаклланган ўқувчилар гуруҳи киритилади. Бундай ўқувчилар топшириқларни мустақил бажаришга ва вақтида улгуришга қийналадилар.

II.2. Бошланғич синф математика дарсларида

дифференциаллаштирилган ўқув топшириқлари таснифи

Ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш билан бир қаторда дифференциаллашган ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш лозим.

Математика фанидан дифференциаллашган ўқув топшириқларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ижодийлик даражасига кўра дифференциаллашган ўқув топшириқлари.
2. Мураккаблик (қийинлик) даражасига кўра дифференциаллашган ўқув топшириқлари.
3. Ўқув материали ҳажмига кўра дифференциаллаштириш.
4. Ўқувчиларнинг мустақиллик даражасига кўра дифференциаллаштирилган ўқув топшириқлари.
5. Ўқитувчидан олинадиган ёрдам ҳажмига кўра дифференциаллаштириладиган ўқув топшириқлари.

1. Ижодийлик даражасига кўра дифференциаллашган ўқув топшириқлари. Бундай ўқув топшириқлари ўқувчилар ўқув-билув фаолияти турига кўра фарқланади ва улар репродуктив ёки продуктив (маҳсулдор) ўқув топшириқлари тарзида тузилиши мумкин. Репродуктив ўқув топшириқлари ўқувчилардан ижодий ёндашувни талаб этмайди ва асосан намуна асосида бажариладиган топшириқлар киради. Продуктив (маҳсулдор) ўқув топшириқларини бажариш жараёнида ижодий ёндашув талаб этилади ва анъанавий топшириқлардан бажарилиши лозим бўлган ишларнинг хилма-хиллиги билан фарқ қилади.

Математика дарсларида продуктив – ижодий характердаги қуйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин:

- Математик объектларни таснифлаш (тушунчаларни, геометрик фигураларни. Масалан, “Расмда нечта учбурчак бор?”)
- математик объектларни бошқасига ўзгартириш (масалан, оддий арифметик амалларни таркиблига айлантириш);
- маълумотлар ортиқча ёки кам бўлган ўқув топшириқлари;
- топшириқларни турли усуллар билан ечиш, қулай (рационал) усулни танлаш;

- мустақил равишда математик масалалар, тенгсизликлар, мисоллар тузиш ва ҳ.к.

2. Мураккаблик (қийинлик) даражасига кўра дифференциаллашган ўқув топшириқлари.

Дифференциаллашган таълимни ташкил этишнинг бу турида мураккаблаштирилган ўқув топшириқлари ўзлаштириши бирмунча юқори бўлган ўқувчилар гуруҳи учун фодаланилиб улар куйидагича мазмунда бўлиши мумкин:

- математик материалларни мураккаблаштириш (масалан, биринчи ва иккинчи гуруҳ ўқувчилари учун икки хонали сонлар асосида мисоллар берилса, учинчи гуруҳ ўқувчиларига бир хонали сонлардан иборат мисоллар берилиши мумкин);

- мисолларни ечиш ёки масалалар ечимини топишда бажариладиган ишлар сонини кўпайтириш (масалан, иккинчи ва учинчи гуруҳда уч босқичли топшириқ берилса, биринчи гуруҳ учун тўрт босқичли топшириқ берилади);

- таққослаш амалини асосий ўқув топшириғига кўшимча равишда бажариш топшириғини бериш (масалан, учинчи гуруҳга мисолни бажаришдан аввал сонларни ўсиб бориш тартибида ёзиш топшириғини бериш);

- тескари амалларни бажаришга доир ўқув топшириқларини бериш (масалан, иккинчи ва учинчи гуруҳга катта ўлчов birlikларини кичикларига алмаштириш топшириғи берилса, биринчи гуруҳга кичик ўлчов birlikларини катталарига алмаштириш топшириғи берилади).

2. Ўқув материали ҳажмига кўра дифференциаллаштириш.

Дифференциал таълимнинг бу турида биринчи ва иккинчи гуруҳ ўқувчиларига асосий ўқув топшириғидан ташқари, унга ўхшаш бўлган кўшимча материал ҳам берилади. Бундай ўқув топшириқлари ўқувчиларнинг топшириқларни турли тезликда амалга ошириши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради. Секин ишлайдиган ёки ўзлаштиришда қийинчиликлари бўлган ўқувчилар мустақил ишларни бошқа ўқувчиларга

нисбатан секин бажарадилар ва текшириш вақтида ишларни тугатишга қийналадилар, улар учун қўшимча вақт ажратиш лозим бўлади. Бу вақтда эса иқтидорли ва фаол ўқувчилар учун бериладиган қўшимча топшириқлар улар вақтининг беҳуда сарфланмаслигига ёрдам беради.

Қўшимча топшириқ сифатида бирмунча мураккаброқ ёки ижодий характердаги ўқув топшириқларини бериш мумкин. Шу билан бирга ўйин характердаги, ностандарт топшириқлар ҳам берилиши мумкин. Бундай топшириқларни алоҳида тарқатма материал сифатида бериб индивидуаллаштириш мумкин. Ўқувчилар бундай топшириқларни қўшимча дафтарларига ҳам бажаришлари мумкин.

4. Ўқувчиларнинг мустақиллик даражасига кўра дифференциаллаштирилган ўқув топшириқлари. Ўқув жараёнини бундай асосда дифференциаллаштиришда турли ўқув топшириқларидан фойдаланилмайди. Ўқувчилар бир хил ўқув топшириқларини бажарадилар, аммо уни айрим ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида бажарсалар, айримлари мустақил бажарадилар.

Бундай дифференциаллаштиришда тайёргарлик даврида ўқувчилар топшириқ шарти билан танишадилар, уни мазмуни ва бажариш тартибини аниқлаштирадилар. Шундан сўнг одатда биринчи гуруҳ ўқувчилари мустақил равишда топшириқни бажаришга киришадилар. Бошқа ўқувчилар эса ўқитувчи ёрдамидан фойдаланган ҳолда бажариш тартибини таҳлил қиладилар ва бажаришга киришадилар. Шундан кейин иккинчи гуруҳ ўқувчилари ҳам мустақил ишлай бошлайдилар. Учинчи гуруҳ ўқувчилари эса топшириқни ўқитувчининг ёрдамидан фойдаланган ҳолда бажарадилар. Бундай топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг мустақиллик даражаси турлича бўлади. Ўқувчилар ўқитувчининг ёрдамидан воз кечиш вақтини ўзлари белгилайдилар. Агар улар яна қийинчилик сезсалар, ўқитувчидан яна ёрдам олишлари мумкин.

5. Ўқитувчидан олинадиган ёрдам ҳажмига кўра дифференциаллаштириладиган ўқув топшириқлари. Бу усул

Ўқувчиларнинг мустақиллик даражасига кўра дифференциаллашган ўқув топшириқларидан фарқли равишда ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилмасдан, барча ўқувчилар мустақил ишни бажаришга киришадилар. Ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, айрим ўқувчиларга вақти-вақти билан ёрдам бериб борилади.

Ўқитувчи ёрдамни турли шаклларда бериши мумкин. масалан: а) тайёргарлик машқлари ёки ёрдамчи топшириқлар кўринишидаги ёрдам; б) қўшимча маълумотлар кўринишидаги ёрдам (ёрдамчи карточкалар, маслаҳат карточкалари, доскага қўшимча маълумотларни ёзиб кўрсатиш шаклида).

Ёрдамчи карточкалар билан ишлаш бундай турдаги дифференциаллашган ўқув жараёнини ташкил этиш учун айниқса қулай ҳисобланади. Бунда биринчи гуруҳ ўқувчилари топшириқларни мустақил бажаришга киришадилар. Иккинчи ва учинчи гуруҳ ўқувчиларига эса ёрдам тариқасида қўшимча фойдаланиш учун маълумотлар ёзилган ёрдамчи карточкалар тарқатилади. Бундай ёрдамчи карточкалар барча ўқувчилар учун бир хил бўлиши, гуруҳлар учун алоҳида тайёрланиши ёки ҳар бир ўқувчи учун индивидуал тарзда тузилиши мумкин. Ўқувчиларнинг мустақиллик даражаси ёрдамчи карточкалардан фойдаланганлик даражаси билан белгиланади. Карточкалар топшириқларни бажаришда фойдаланилишига кўра мураккаблашиб бориш тарзида тузилиши мумкин.

Ёрдамчи карточкаларда қуйидагича ёрдам турлари кўрсатилган бўлиши мумкин:

- Топшириқни бажаришга доир намуна: бажариш тартиби, кетма-кетлиги ва қайд қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар;
- Ахборот берувчи маълумотлар: қоидалар, таърифлар, ўлчов бирликлари ва шу кабилар;
- Кўргазмали маълумотлар: иллюстрациялар, моделлар, жадваллар ва шукабилар.
- Айрим тушунчалар таърифи ёки муҳим тушунчаларни ажратиб кўрсатиш тарзида;

- Топширик бажарилишини енгиллаштирувчи кўшимча саволлар;
- Топшириқларни бажаришга доир дастлабки вазифаларни бажариб кўрсатиш ёки қисман бажариб кўрсатиш.

Дифференциаллашган ўқув топшириқларининг турли шаклларида бир дарс давомида ёки битта предметни ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчиларнинг фаол ишлашлари учун қулай шароит яратиш имконини беради.

II.3. Бошланғич таълим жараёнида иқтидорли ўқувчилар билан олиб бориладиган иш усуллари

Кадрлар тайёрлашда долзарб ва катта истикболи йўналишлардан бири – мактаб ўқувчилар орасидан иқтидорли, зукко болаларни аниқлаб, уларни алоҳида дастурлар асосида ўқитиш, халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар етиштиришдир.

Шу сабабли ахлоқан соф мантиқий тафаккури кучли, ақлий маданияти юқори бўлган болаларни махсус ўқитиш ва уларга кўпроқ умид боғлаш лозим. Айнан шундай болалар келгусида янада муҳимроқ иқтисодий, илмий ва ижтимоий масалаларни ечишга қодир бўладилар. Ёунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Мактаб раҳбари ва мактаб психологининг ҳамкорлигини кучайтирган ҳолда туман халқ таълим бўлим Ташхис маркази билан бевосита иш олиб бориш.
2. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши учун имкон бериш ва унинг фикрини қўллаб-қувватлаш.
3. Психологик методикалар орқали ўқувчиларни танлаш ва уларни фанларга йўналтириш.
4. Зукко деб тан олинган ўқувчиларни фан ўқитувчиларига бириктириш, фан олимпиадалари, турли хил мунозараларга жалб этиш.
5. Иқтидорни аниқловчи янги психологик методикалар билан бойитиш.

6. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўрта-махсус касб-хунар таълими муассалари билан ҳамкорлик қилиш.

7. Иқтидорли ўқувчиларни турли жамғармалар томонидан ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этишига ёрдам бериш.

8. Иқтидорли ўқувчиларни ихтисослашган синфларга жалб қилиш.

9. Иқтидорли ўқувчиларнигн иқтидорини ривожлантиришда мактаб психологи, фан ўқитувчилари ва ота-оналар ҳамкорлигини кучайтириш.

10. Таълим муассасаларидаги иқтидорли тарбияланувчи ва ўқувчи ёшларнинг иқтидорини истеъдод даражасига кўтаришда амалий ёрдам бериш.

11. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда уларнинг қобилияти, иқтидори ва лаёқатини илк ёшидан бошлаб аниқлаш ва тавсиялар бериш.

12. Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда турли тўғараклар ташкил этиш.

13. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича чиқарилган ҳар бир меъёрий ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш.

14. Ўқувчи ёшларнинг ўзлари қизиққан соҳа бўйича билим олишлари юртимиз келажаги, равнақи учун муҳимлигини англаш ва ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар онгига сингдириш.

15. Таълим муассасасининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштирилган билим бериш йўналишини белгилаш.

16. Ихтисослашган таълим муассасини ташкил этиш учун ташкилий методик базани ҳамда ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш.

17. Ихтисослашган мактабнинг низоми ишлаб чиқилиб, туман ҳокимиятида тасдиқланиши ва ушбу ҳужжатлар асосида мактабнинг йўналишлари, ўқувчиларни қабул қилиш тартибини имтиҳон материалларини ишлаб чиқиш, қабул комиссиясини тузиш, раҳбар томонидан тасдиқлаш.

Истеъдод кўп қирралидир. Ёш болалардаги истеъдоднинг кўриниши – бу нуткнинг эрта пайдо бўлиши ва жуда кўп бўлган луғат бойлигидир.

Бундан ташқари истеъдодли болалар теварак-атрофда содир бўлаётган воқеликларга ўта қизиқувчан бўладилар. Истеъдодли болаларнинг хотиралари жуда яхши ривожланган бўлишини мутахассислар эътироф этганлар. Истеъдод, асосан, уч ўзаро боғлиқ параметрлар билан аниқланади: билим даражасининг устунлиги, психологик ривожланиш, физиологик сифатлар.

Билиш жараёнлари:

Улар бир вақтнинг ўзида жуда кўп ишлар билан шуғулланадилар, улар жуда қизиқувчан бўладилар, кучли хотирага эгадирлар ва диққатларни бир жойга тўплай оладилар.

Психологик ривожланиш:

Ҳақиқат ҳисси яхши ривожланган, қадриятларнинг шахсий тизими, ҳаёлнинг ўта ривожланганлиги, ҳазил ҳиссининг мавжудлиги, ўзлари учун тўғри келмайдиган вазифаларни ечишга ҳаракат қилиши, улар кўрқув ҳолатини ошириб юборишлари ҳам мумкин, уларда эгоцентризм кучли бўлади.

Физиологик сифатлар:

Истеъдодлиларда икки хил стереотип мавжуд: бири озғин, кичкина, нимжон бола ёки унинг акси. Истеъдодлилар жуда кам ухлашади.

Билиш жараёнидаги ривожланишининг ўзиб кетиши:

1. Идрокнинг кенглиги, истеъдодли болалар атрофидаги воқеаларга жуда сезгир ва жуда қизиқувчанлигидир. Улар учун дунё нимадан таркиб топганлигини билиш жуда қизиқдир. Улар бир нечта жараённи бир вақтнинг ўзида кузатишга жуда қизиқишади.

2. Улар кўриниш ва предметларнинг орасидаги алоқани кузатиш ва назорат қилишга эгалар. Улар доимо ўзларининг ҳаёлларида альтернативни вужудга келтиришни севадирлар.

3. Жуда яхши хотира ва тилнинг ёш вақтданок ривожланиши болага оламни билишда жуда қўл келади.

4. Истеъдодли болалар жуда катта луғат бойлигига эгадирлар, лекин ўзлари учун янгидан-янги сўзларни ихтиро қиладилар.

5. Қобилият билан бирга мантиқий нотўғрилиқ билан масалалар ечимини топиш, идрокнинг юқори даражасини сақлаб қолиши, ўз ихтиёри билан мураккаб масалаларни ишлашни ёқтиришади, улар тайёр жавобларни олишни ёқтиришмайди.

6. Баъзи истеъдодли болалар математик қобилиятга эгалар, улар ҳисоблашни яхши кўришади, бундай боалалр чуқур мантиққа ҳам эгадирлар.

7. Истеъдодли болаларнинг диққатини тўплаши жуда кучли ҳисобланади ва қатъиятсизлик билан масалаларни ечишга ҳаракат қиладилар.

8. Истеъдодли болалар маасалалар билан қизиқадилар, улар ўзлари тушунмаган масалаларни ечишга ҳаракат қиладилар. Улар ёрдамга муҳтож, лекин қўллашларини ёқтирмайдилар.

Психологик сезувчанлик

1. Истеъдодлиларда ҳақиқатни ҳимоя қилиш ҳисси кучли бўлади, ўзиб кетаётган ахлоқий ривожланиш идрок ва билиш жараёнининг ўта ривожланганлигига ёндашади.

2. Улар адолатсизликка қарши чиқишади. Улар ўзларига ва атрофдагиларига жуда катта талаб қўйишади.

3. Масалаларнинг ечимида уларга хаёл жуда қўл келади.

4. Улар жуда катта ҳазил ҳиссига эгадирлар, мос келмайдиган тушунчаларни ўйлаб топадилар, уларнинг ҳазил қилишдаги идрокитенгқурларидан ажралиб туради.

5. Уларга эмоционал баланс етишмайди, ёшлик вақтида бундай болалар жуда сабрсиздирлар.

6. Улар баъзан кўрқув ҳолатини кўпиртириб кўрсатадилар, улар имо-ишораларга жуда эътибор билан қарайдилар.

7. Истеъдодлиларда эгоцентризм яққол ифодаланган бўлади.

8. Уларда ўзини идрок қилишда негативе сифатлар ривожланади, тенгдошлари билан мулоқотда қийинчилик вужудга келади.

Физиологик характеристика

1. Истеъдодли болалар жуда катта энергетик кучга эга, улар жуда кам ухлашади.

2. Уларнинг кўл ҳаракатлари билиш қобилиятларидан биров орқада қолади. Уларга амалиёт муҳимроқдир. Интеллектуал ва физиологик ривожланишдаги фарқлар уларнинг мустақиллигини бўғиши мумкин.

3. Истеъдодли болаларнинг кўриш қобилиятлари (8 ёшгача) ўзгарувчандир, уларнинг бу қобилиятлари пасайиб кетиши мумкин.

Истеъдодли болалар билан иш олиб боришда мутахассисларнинг тавсиялари

Истеъдодлилар билан ишлашда Карне, Шведаль ва Линнемаерлар (1982 – й.) қуйидаги мезонларни ишлаб чиқдилар:

1. Ҳар бир бола такрорланмасдир. Баъзилари шеър ёзиш, иншолардан, баъзилари математикадаги қобилияти билан ажралиб турадилар. Оддий мактабда муסיқага қобилияти бор ўқувчини ҳам ажрата олмаслигимиз мумкин. Учинчи бир бола эса юқори интеллект (IQ) билан ажралиб туради, лекин бу боланинг ўзини баҳолаш мезони жуда паст бўлиши мумкин. Шу орқали ҳар бир боланинг кучли ва кучсиз томонини билишимиз лозим. Шу орқали истеъдодли болалар билан ишлаш режасини тузиш мумкин.

2. Истеъдодли болалар ўзларига нисбатан жуда танқидчандирлар. Улар ўз “мен”ини ривожлантиришга ҳаракат қилишлари керак. Яқин қариндошларининг таъсири истеъдодли болалар учун жуда муҳимдир, улар яқинларининг фикрини инобатга оладилар. Юқори интеллект ва ривожланишнинг мос келмаслиги болани ранжитиши мумкин.

3. Истеъдодли боланинг ривожланиши ва камол топишида оиланинг ўрни жуда каттадир. Агар оила, мактаб ўзаро алоқада бўлса, бу энг яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

4. Истеъдодли болалар учун турли хил ўқув режасини тузиш. Истеъдодли болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиб ўқув

режалари ишлаб чиқилиши лозим. Кўпгина истеъдодли ўқувчиларнинг кизиқишлари кўп қирралидир.

5. Истеъдодли болалар оддий болалар билан ўқиган тақдирда ҳам, истеъдодли бошқа болалар билан мулоқот қилиш имкониятини яратиш керак.

6. Истеъдодли болаларнинг дастури ҳар томонлама мукамал бўлиши зарур.

7. Истеъдодли болаларни ўқитиш учун тузилган режани шу соҳадан хабардор бўлган раҳбарнинг ўзи назорат қилган тақдирдагина самара бериши мумкин.

8. Истеъдодли болаларни ўқитишнинг намунали режасини иш фаолиятига бевосита татбиқ қилиши керак.

9. Ота-она ва мутахассислар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишлари муҳимдир. Бу ҳамкорлик истеъдодли болаларнинг истеъдодини ривожлантириш учун ҳам муҳимдир.

10. Боланинг ўзига нисбатан баҳосини билишимиз жуда муҳимдир. Бола ўзининг олдига қўйган қандай вазифаларни бажарилаётганини ҳам билиши керак, ота-она бундан хурсандми?

11. Фақат режа мавжуд бўлса, ота-она ҳам, мутахассис ҳам бола ўз олдига қўяётган мисолларни ечаётганлигини билиши мумкин.

12. Намунали дастур яхши режалаштирилган, эффектив ва доимий фаолиятдаги системани кўрсатиши керак ва бунда ота-онанинг ўрнини ҳам таъкидлаб ўтишимиз зарур.

13. Дастурнинг оптимал жиҳатларини кўриши керак, бола бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини таъминлаши керак.

14. Дастур қатъиятлилик ва мақсадга интилишни ривожлантириш керак. Юқори бўлиши жуда катта аҳамиятга эга эмас. Мақсадга интилиш ва бошлаган ишини охиригача етказиши муҳимдир.

15. Дастурнинг асосий мақсадларидан бири ижодий қобилиятни ривожлантиришдир.

16. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда талантли тарбиячи, ўқитувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай мутахассислар мактабга ҳам, ота-оналарга ҳам жуда зарурдир.

Ота-она ва педагоглар иқтидорли ўқувчилар билан ишлаётганда куйидаги муаммоларга ўз эътиборларини қаратиши лозим:

1. Мактабни ёқтирмаслик. Бундай ҳолат иқтидорли бола учун асосан мактаб дастури зерикарли ва қизиқ бўлмаган ҳолатда содир бўлади. Иқтидорли болаларнинг феълидаги ўзгаришлар уларнинг қобилиятига дастур мосланмаслиги учун содир бўлади.

2. Ўйин ҳолатига бўлган қизиқишлар. Иқтидорли болаларга мураккаб ўйинлар жуда ёқди ва уларга ҳамма тенгдошларини қизиқтирадиган ўйинлар зерикарли туюлади. Шу сабабдан иқтидорли бола яққаланиб қолади.

3. Конформлилик. Иқтидорли болалар стандарт талабларни инкор қилади, агар стандартлар унинг учун тўғри келмаса, маъносиздек туюлади.

4. Фалсафий муаммоларга ўралашиб қолиш. Иқтидорли болалар кўпинча ўлим ҳақида, қабрдаги ҳаёт, диний ишонч ва фалсафий муаммолар ҳақида кўп бошларини қотирадилар.

5. Физиологик, интеллектуал ва ижтимоий ривожланишнинг бири-бирига мос келмаслиги. Иқтидорли болалар ўзларидан катта бўлган болалар билан мулоқот қилишни ва ўйнашни ёқтиришади. Шунинг учун ҳам улар сардор бўлишга қийналишади, чунки уларда физиологик ўсиш кечроқ бўлади.

II.4. Ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан олиб борилаётган иш усуллари

Жамиятдаги ўзгаришлар, фан ва техника ривожини, инсонларнинг меҳнатга муносабати ва ўзаро муносабатларидаги ўзгаришлар, хориж маданиятининг кириб келиши, одамлар томонидан қабул қилинаётган ҳар хил ахборотлар кўламининг кенгайиши каби бир қанча омиллар ёшлар дунёқараши, қизиқиши ва интилишларига сезиларли даражада таъсир қилади ва бу ўз навбатида таълим-тарбия жараёнида ҳам янгидан янги муаммоларни

келтириб чиқараверади. Бу муаммоларнинг бир қисми эски, анъанавий усуллар билан ҳал этилса, баъзилари янги услуб ва ёндашувларни талаб қилади.

Таълимнинг ҳар хил босқичларида дарс берувчи ўқитувчилар билан суҳбатлашганимизда кўп ҳолларда уларнинг қуйидаги икки хил фикр тарафдори эканликларини сездик.

Биринчидан, ёшлар кам меҳнат қилиб катта натижаларга эришишни хоҳлаши, **иккинчидан**, ўқувчи билан яқка тарзда ёки ҳеч бўлмаганда кам сонли ўқувчилар билан шуғулланиш кўп сонли ўқувчилар билан шуғулланишга қараганда яхши натижалар бериши тарафдори эканликларининг гувоҳи бўлдик.

Ҳамма замонларда ҳам ўқувчилар кам меҳнат сарфлаб катта натижаларга эришишни хоҳлашган. Қолаверса, бу инсон табиатига хос хусусият. Иккинчидан, агар кам меҳнат қилиб кўп натижага эришиш йўли, усулларини топишга ҳаракат қилинса, бунинг нимас иёмон? Масалан, таълим-тарбия жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш борасида олдимизга қўйилган мақсадлардан бири ҳам шу эмасми?

Ўқувчи томонидан қилинаётган меҳнатнинг кўплиги ёки камлиги, бу меҳнатнинг самарали ёки самарасизлиги, керакли материалнинг енгил ёки қийинчилик билан ўзлаштирилиши ўқитувчи томонидан дарс жараёнида қўлланиладиган услубга ва яна бошқа бир қатор омилларга боғлиқ.

Энди қуйидаги саволларга жавоб берайлик:

- Ўқувчи ўтилган мавзунини ўзлаштириши учун кўп ёки кам меҳнат қилди деганда қанча меҳнат тушунилади?

- Дарсни яхшилаб тайёрлаш керак, яхшилаб ўқиш керак, кўпроқ ҳаракат қилиш керак, кўп ўқиш керак каби буйруқ оҳангидаги уқтиришлар ўқувчиларга ота-оналар томонидан ҳам, ўқитувчилар томонидан ҳам кўп бор айтилади. Лекин дарсни яхшилаб тайёрлаш, яхшилаб ўқиш, кўпроқ ҳаракат қилиш қандай бўлиши ўқувчиларга тушунтириладими? Айниқса, кўп ўқиш

керак деганда бирор мавзу ёки тушунчани неча марта ўқиб чиқиш тушунилади?

Бунда ўқувчининг берилган топшириқни кўп марта ўқиши ёки ёд олгунча ўқиши тушунилмаслиги керак. Агар шунга мажбур қилинса, ўқувчи меҳнат оғирлиги туфайли тез кунда ўша фандан бешиб қолади. Ўқувчиларга бериладиган бундай топшириқлар мавҳум топшириқлар бўлиб, қўйилган мақсадга ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам эриша олмайди. Натижада, ўқитувчи ўқувчини айблайди ва ўқувчида ўз қобилиятига ишончсизлик пайдо бўлади. Бу таълим-тарбия жараёнида ўта хавфли ҳолатдир.

Қуйида тажрибада ўзини оқлаган ва бир неча бор синаб кўрилган баъзи услублар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Бу услублар юзаки қараганда жуда қийин ёки яхши натижа бермайдигандек туюлса-да, астойдил ҳаракат қилинса, кутилмаган даражада яхши натижалар беради. Биз баён қилинаётган услубни математика, физика ва информатика фанларини ўқитиш жараёнида бир неча бор синаб кўрдик. Ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, ушбу фанларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар жуда кам экан, яъни ихтиёрий танлаб олинган ўқувчиларнинг 80-90 фоизи бу фанларни яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштира олади.

Ўқувчи билан якка тартибда шуғулланиш ёки кам сонли ўқувчилар билан шуғулланишдан кўра кўп сонли, масалан, камида 25-30 кишилик гуруҳларда шуғулланишнинг афзаллик томонлари ҳақида фикрлашайлик.

Агар ўқувчи билан якка тартибда шуғулланилса, ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш қийин бўлади. Чунки ўқувчининг мавзуларни қандай ўзлаштираётганлигини, фикрлаш қобилияти, фикрлаш тезлиги, мустақил ишлай олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кета олиши каби кўрсаткичларини аниқлаш ким биландир солиштирилганда осон бўлади. Айниқса, бу ҳол ўқувчи учун аҳамиятлидир. Чунки у ўз билимини ўртоқларининг ўзлаштиришига қараб баҳолаб боради. Шунинг учун дарс жараёнида оғзаки савол-жавобга кўпроқ вақт ажратиш яхши самара беради.

Лекин бунда янги муаммолар пайдо бўлади. Кўп ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда уларнинг ўзлари билган тушунчаларини ҳам атрофлича асослаб айтиб бера олмасликларининг гувоҳи бўлдик. Ўқитувчилар эса ўқувчиларнинг оғзаки нутқ маданияти паст эканлигидан шикоят қилишади. Шу ўринда табиий савол туғилади. Нима қилиш керак? Ким уларнинг оғзаки нутқ маданиятини шакллантиради? Айниқса, ўқувчининг оддий саволларга ҳам тўғри жавоб бера олмаслиги ўқитувчини ажаблантирмайдиган ҳолларни кузатдик. Масалан, ўқувчи дарсга кечикиб келган бўлсин. Ўқитувчи ундан нима учун кечикиб келганлигини сўраганда кўпинча ўқувчи «кечкиб қолдим» ёки «бундан кейин кечикмайман» деб жавоб беради ва бу жавоб ўқитувчини қониқтирганлиги туфайли ўқувчиларда ўйлаб кўриб жавоб беришга эҳтиёж йўқолади. Ҳолбуки, ўқитувчи ўз ўқувчисининг кечикиб келганлигини кўриб, унинг дарсга кечикиши сабабини сўрамоқда. Ёки «Бундан кейин кечикасанми?» деб сўрамаяпти-ку. Бунда ўқувчининг масъулиятни ҳис қилмасдан ёки бошқа сабабларга кўра кеч қолишидан ҳам кўра ўқитувчи ўзи берган саволига аниқ жавоб олаолмаётганлигига эътиборини қаратиши керак эмасми? Ўқувчининг фикрламасдан жавоб бериши ёки мулоҳаза юритиб жавоб бериш керак бўлганда жим қолиши шу каби оддий ҳолатлардан бошланади.

Ёки ўқувчига «Боғда 60 та дарахт бор эди. Шундан 40 таси мевали дарахтлар. Нечтаси мевасиз дарахтлар эканлигини аниқланг» деб савол берилса, ўқувчи бир оғиз айирамиз деб жавоб беради. Нимадан нимани айириш ва нимаучун айириш кераклиги очик қолаверади.

Ўқувчининг ўз фикрини оғзаки ифодадай олиши унинг фикрлаш қобилиятига жиддий таъсир қилади. Чунки билганларини оғзаки ифодадай олиши учун дастлаб миясида маълум тартибга солиб, кейин ошкор қилади. Бу тарзда жавоб бериш фикрлаш қобилияти шаклланмаган ўқувчи учун осон иш эмас ва бундай қобилият бир кунда шаклланиб қолмайди. Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини шакллантириш жараёни маълум вақт талаб қилади.

Энди ўқувчининг яхши ўқиши, яхши ўзлаштириши, берилган вазифани яхши тайёрлаши деганда унинг қандай фаолияти назарда тутилиши тўғрисида тўхталамиз.

Берилган топшириқларни яхши ўзлаштириши учун ўқувчи қуйидаги алгоритм бўйича иш олиб борса, яхши натижаларга эришишини кузатдик. Ўқувчининг назарий материални яхши ўзлаштириши, аввало, назарий материал тушунтириладиган дарсдан бошланади. Ўқитувчи мавзунинг назарий қисмини тушунтираётганда ҳар бир қоида, тушунча ёки формуланинг моҳиятини ўқувчиларга тушунтириб бўлгач, улардан тушунарлими деб сўрайди. Бунда бир нечта фаол ўқувчилар тушунарли деб жавоб бериши ёки тушунмаган ўқувчининг ҳам тушунарли деб жавоб бериши, биринчидан, ҳамма ёки кўпчиликнинг тушунганлигидан далолат бермайди, иккинчидан, ўша тушунарли деб жавоб берган ўқувчилар ҳам ҳеч нарсани тушунмаган бўлишлари мумкин. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларидан ўз фикрларини қандай даражада тушунганлигини сўраб кўриши керак. Шундай назорат ўтказилмаса, ўқувчи мавзу мазмунини тушунса-тушунмаса тушунарли деб жавоб беришга ўрганиб қолади.

Фараз қилайлик, ўқувчилардан бири қониқарли жавоб берган бўлсин. Энди бошқа савол туғилади. Бошқалар қандай ўзлаштирган? Буни аниқлаш учун ўқувчиларнинг хоҳлаган биридан ўртоғининг фикрини қайтариш сўралади. Ўқувчи ўртоғининг фикрини айнан қайтариши шарт эмас. Сўралган тушунчанинг моҳиятини очиб бера олиши етарли.

Агар ўқувчилар жавоб беришга жуда қийналишса, дастлабки жавоблар тўлиқ бўлмаса ҳам унинг яхши жавоб бўлганлигини алоҳида таъкидлаб бориш ўқувчида ўзига ишонч ҳиссини уйғотишда жуда муҳим омил ҳисобланади. Ўқувчи берган жавобнинг хатосини топиш ёки тўлдиришни барча ўқувчилардан сўраб туриш ҳамда шундай ўқувчининг жавобини рағбатлантириб бориш ҳар бир ўқувчини ўртоқларининг жавобларини таҳлил қилиб боришга ундайди.

Бу борада ўқитувчи ўзи дарс бераётган фанини ўқувчилари томонидан яхши ўзлаштира олишига ишонтира олиши ҳамкатта аҳамиятга эга. Ҳеч қандай иккиланишларга ўрин қолдирмаслик учун дастлабки дарсларда нисбатан оддий саволлар бериб, ўқувчилар жавобларини камроқ танқид қилиб, кўпроқ макташ ёки юқори баҳолар қўйиб рағбатлантириб бориш усулини қўллаш яхши натижалар берар экан. Бу ҳол ўқувчини руҳлантиради, дарс жараёнида фаоллигини оширади ва оқибатда дарснинг қизиқарли ўтишини таъминлайди. Бу усулни паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга нисбатан қўллаш бутун синфнинг жонланишига олиб келади. Ҳар қандай одам бирор ишни бажара олишига ката ишонч билан киришса, қандайдир даражада натижага албатта эришиши барчага маълум. Шунинг учун ўқувчини ўз қобилиятига ишонтира олишнинг ўзи ўша ўқувчининг фанни ўзлаштиришига тенг кучлидир.

Ўқувчилар бундай дарс тартибига тайёр эмасликлари туфайли дастлабки бир неча уринишлар яхши натижа бермаслиги мумкин. Бир ой давомида ўқитувчи иккиланмасдан, астойдил ҳаракат қилса, кейинги дарсларнинг ўқитувчи учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам жонли ва қизиқарли ўтиши таъминланади. Ҳақиқатдан бир неча йил қийналгандан кўра бир ой яхши меҳнат қилиш афзал эмасми?

Шунингдек, ўқувчининг китоб билан мустақил ишлаш қобилиятини шакллантириш ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Кўпчилик ўқувчилар китобдаги мавзу матнини қандай ўқишни билмаганликлари учун мавзунини мустақил ўзлаштиришга қийналишади.

Биринчидан, мавзу матнидаги ҳар бир сўзни тўғри ўқиш лозим. Бита абзацдаги ёки гапдаги иккита ёки учта сўзни ёки сўз охиридаги қўшимчаларни нотўғри ўқишнинг ўзи матн мазмунини ўзгартириб юборади.

Иккинчидан, ўқувчи матн моҳиятини тушунмасдан тез ўқийди. Ўқиб бўлгандан кейин ўйлаб кўрса тушунмаган. Яна бир неча бор тез ўқиб чиқади ва ҳеч қандай ўзгариш сезмайди. Оқибатда матн мазмунига тушунмасдан уни ёдлаб олишга ҳаракат қилади ҳамда кутилган натижага эришмагандан кейин

мен бу фанни ўзлаштира олмайман деган хулосага келади. Шундан сўнг уни тушунча ёки мавзунини ўзлаштиришга мажбурлашдан фойда бўлмайди.

Бундай ҳолатларда ўқувчига мавзу матнинини талаб даражасида ўқишни ўргатиш керак. Чунки мавзу матни кўча суҳбати ёки бирор қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб бериш эмас. Шунинг учун алоҳида ўқиш услубига риоя қилишга тўғри келади.

Биз қуйидагича услубни таклиф қиламиз. Ўқувчи назарий материалнинг бир фикр тугагунча бўлган қисмини секин, тушуниб ўқийди ва мисол келтиради. Агар тушунмаса ёки мисол келтира олмаса ўша қисмини ҳар бир сўзига эътибор бериб янада секинроқ ўқийди. Дастлабки пайтларда шу йўл билан 2-4 мартагача ўқиб тушуниб олади ва тушунганларинини ўзига ўзи гапириб беради. Бошланғич пайтларда тушундим, яхши ўзлаштирдим деб ҳисоблаган тушунчаларни ҳам айтиб бераолмайди. Қайта-қайта ҳаракат қилаверади ва қисқа кунларда албатта натижага эришади. Аммо ўқувчининг бу ишни бажаришга иродаси етмаслиги мумкин, яъни у қайсидир қоидаларни ва тушунчаларни пухта ўзлаштирмасдан ёки ўзлаштирганларинини гапириб бера олмаса ҳам кейингиларига ўтиб кетаверади.

Бундай ҳатоликни ўқитувчи тузатиши мумкин. Дарс давомида битта қоида ёки фикрнинг мукамал жавоб бўлмагунча ўнtagача ўқувчидан сўраб, барча ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиб бораверади. Агар бита ўқувчи тўғри жавоб берса, унинг жавобинини жавоб бера олмаган ўқувчилардан қайтариб айтиб беришларни талаб қилади. Бу ҳол, биринчидан, ўқувчининг оғзаки нутқ маданияти шаклланишига, иккинчидан, дарсда сергак ҳамда ҳар бир ўртоғининг бераётган жавобинини таҳлил қилиб ўтиришга ундайди. Кўп ўқувчидан кўп фикр чиқади. Ҳатто ўқитувчи ўзи кутмаган яхши жавобларни эшитади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчининг ўзлаштиришига нафақат ўқитувчи, балки ўқувчиларнинг жавоблари ҳам жиддий таъсир қилади. Демак, ўқувчилар сонининг кўплиги ўрганилаётган мавзу моҳиятининг ўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг оғзаки нутқ маданияти, фикрлаш қобилиятини шакллантириш мақсадида бита таъриф, хоссани бир неча хил шаклларда ифодалаш талаб этилса ҳам яхши натижалар беради.

Масалан, туб соннинг таърифини қуйидагича шаклларда ифодалаш мумкин:

- Фақат ўзига ва бирга бўлинадиган натурал сонлар туб сонлар дейилади;
- Ўзидан бошқа фақат битта бўлувчиси бўлган натурал сонлар туб сонлар дейилади;
- Бўлувчиси фақат иккита бўлган натурал сонлар туб сонлар дейилади;
- Бирдан бошқа фақат битта бўлувчиси бўлган натурал сонлар туб сонлар дейилади.

Юзаки қараганда битта фикрни бир неча хил кўринишларда ифодалашнинг аҳамияти йўқдек туюлади. Битта фикрни ҳар хил шаклларда ифодалай олишга ҳаракат қилиш мавзу моҳиятини яхшироқ тушунишга катта таъсир қилади.

Юқоридаги фикрларга таяниб қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

- Бирор фанни мутлақо ўзлаштира олмайдиган ўқувчи бўлмайди. Ҳар ким қобилиятига қараб у ёки бу даражада ўзлаштиради;
- Таълим жараёнида ўқувчининг руҳий тайёргарлиги, яъни ўз қобилиятига бўлган ишончи асосий омил ҳисобланади;
- Ўқувчининг китоб билан ишлаш қобилиятини, оғзаки нутқ маданиятини ва фикрлаш қобилиятини шакллантириши қанча вақт ва меҳнат талаб қилса ҳам иккиланмасдан ҳаракат қилиш лозим. Натижа эса узок куттирмасдан тез кунларда яққол кўриниб қолади;
- Ўқувчи фан асосларини ўрганиши учун хаддан ташқари узок ва кўп меҳнат қилиши шарт эмас, балки қандай меҳнат қилишни билиши муҳимдир.

2-боб юзасидан хулосалар

1. Бошланғич таълим жараёниданок ўқувчилар орасидан турли фан соҳаларига қизиқишлари юқори бўлган ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан

ишларни самарали ташкил этиш бошланғич синф ўқитувчиларидан алоҳида психологик ва педагогик тайёргарликни талаб этади.

2. Бошланғич таълим жараёнида ҳам дарс машғулотлари давомида иқтидорли ўқувчилар зеркиб қолмасликлари ва улар қобилиятларини янада ўстириш учун ҳар бир мавзуга доир топшириқлар тизими ишлаб чиқилиши бошланғич синф ўқитувчиси ишини енгиллаштиради ва таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

3. Синфдан ташқари машғулотлар – фан тўгараклари, интеллектуал танловлар иқтидорли ўқувчилар қобилиятларини намоён этишнинг муҳим шакли, шунингдек уларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишга ҳам ёрдам беради.

III БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАЪЛИМНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

III.1. Ўқувчиларнинг иқтидорлилик даражалари ва қизиқишларини аниқлаш методикаси

Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини илк ёшликдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда.

Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тестлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб боровчи тестлар-топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаллифлар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачарок усулларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб - ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг «Профессионал - диагностик сўровнома» деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлди:

П(Т) - табиат (ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари) ;

Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар);

З (Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Х (И)- бадий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусиқа).

Боланинг қобилият yo‘nalishlari darajasini aniqlash usullari quyidagilardan iborat:

	1- босқич (1-4 – синф)
1	Кузатиш жараёнида
2	Сухбат жараёни орқали қизиқишларини ўрганиш
3	Ота-онаси, боланинг ўзи билан сухбатлашиш
4	Диққат хотирасини текшириш, тестлар
5	Тадбирлар (КВН, концертлар, кечалар, байрамлар)
6	Дарс жараёнида
7	Мусобақаларда
8	Кичик фан олимпиадалари
9	Экскурсия учрашувларида

Иқтидорли болаларни аниқлаш тестлари

Умумий билимдонликни аниқлаш тести

Сизга иккита сўз берилган, шу икки сўз учун умумий бўлган сўзни топинг.

Масалан, „Буғдой – арпа “ бўлса, умумий сўз „Донли ўсимликлар“ бўлади.

1. Осиё – Африка –
2. лола– атиргул —
3. чумчуқ – кабутар –
4. Эртақ – ривоят —
5. дарё – денгиз—
6. Юрак – мия—
7. қуёш – ой—
8. бўри – тулки—
9. дафтар – китоб—
10. она тили – математика—

11. Баҳор – ёз—
 12. қор – ёмғир—
 13. Йиғинди – кўпайтма—
 14. якшанба – душанба—

Жавоблар калити 1. Қитъа; 2. гул; 3. қуш; 4. Халқ оғзаки ижоди;

5. сув ҳавзалари; 6. Инсон тана аъзоси; 7. Осмон жисмлари 8. Ёввойи ҳайвонлар; 9. Ўқув қуроллари; 10. ўқув фанлари; 11. фасллар; 12. Ёғинлар; 13. Математик ҳаракат; 14. ҳафта кунлари;

Жавоблар изоҳи: ҳар бир тўғри жавоб учун – 1 балл.

0 – 5 – паст

6 – 10 – ўрта

11—15 – юқори билимдонлик даражасига эга.

Математик қобилиятни аниқлаш тести

Сизга бир қатор сонлар берилган. Улар қонуниятлари орқали жойлашган. Сизнинг вазифангиз эса ҳар қаторнинг кейинги сонини топишингиз лозим (10 дақиқа ичида). Ҳар бир қатор математик амаллар қўлланилган ҳолда тузилган. Масалан, 2,4,6,8,10, кейингиси 12, чунки ҳар сафар 2 га кўпайган ёки 9,7,10,8,11,9,12. Бу ерда 2 га кўпайиб 3 га олинганлиги учун кейинги сон 10 бўлади.

Калит

- | | | |
|----------------------------|------|-------|
| 1. 6, 9, 12, 15, 18, 21? | 1-24 | 6-24 |
| 2. 9, 1, 7, 1, 5, 1? | 2-3 | 7-18 |
| 3. 2, 3, 5, 6, 8, 9? | 3-1 | 18-64 |
| 4. 10, 12, 9, 11, 8, 10? | 4-7 | 9-37 |
| 5. 1, 3, 6, 8, 16, 18? | 5-36 | 10-49 |
| 6. 3, 4, 6, 9, 13, 18 ? | | |
| 7. 15, 13, 16, 12, 17, 11? | | |
| 8. 1, 2, 4, 8, 16, 32? | | |
| 9. 1, 2, 5, 20, 17, 26? | | |

10. 1, 9, 16, 25, 36?

Шахнинг тил ўрганишга нисбатан қобилиятини аниқлаш

Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб, гапларни шу тилга таржима қилинг.

Сизга 10 дақиқа вақт.

Сўзлар:

Сўзлар:

U –he

father – ота

mother – она

brother– ака

brother– ука

see– кўрмоқ

I– мен

you – сен

not– инкормаъноси

Изоҳ; 10 дақиқа орасида қанча гап таржима қилинса, балл шунча юқори бўлади. Максимал балл – 10 балл.

Бошланғич синф ўқувчиларида мустақил фикрлаш даражаларини, дунёқарашлари кенглигини, тафаккур юрита олиш тезлигини ва иқтидорини аниқлаш мақсадида қуйидаги “Ўйин-топишмоқ”дан (Ғаффорова Т., Нуруллаева Ш. Бошланғич синф она тили дарсларида мустақил ишлар ва дидактик ўйинлар. Қарши: Насаф. – 2003.) ҳам фойдаланиш мумкин:

Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларга жавоби бир хил бўлган 3 та топишмоқ ёки таъриф билан мурожаат қилади. Ўқувчилар жавоб варақаларига «1-савол» деб ёзадилар. Пастидан эса «1-жавоб», «2-жавоб», «3-жавоб» деб ёзадилар ва ҳар бир топишмоқ (таъриф) ўқилгач, жавобларни жавоб варақаларига қайд қиладилар. Биринчи топишмоқ (таъриф) хийла мураккаб, иккинчи топишмоқ (таъриф) осонроқ, учинчи топишмоқ (таъриф) эса жуда осон бўлади. Мустақил фикрлай оладиган зийрак ўқувчилар

биринчи топишмоқданок тўғри жавобни топа оладилар ва натижада учта жавобнинг ҳам бир хиллигига иқрор бўладилар. Бу меъёр анча реал натижаларни олишга имкон яратиш билан биргаликда балл белгилашда ҳам қулайликлар туғдиради. Яъни биринчи топишмоқ (таъриф)данок тўғри жавоб топилса 3 балл, иккинчи топишмоқ (таъриф)дан тўғри жавоб топилса 2 балл ва ниҳоят учинчи уринишдагина тўғри жавоб топилса 1 балл берилади. Агар умуман тўғри жавоб топилмаса 0 балл.

1-савол:

1-таъриф: У қишда ҳам ухламайди, яшнайверади.

2-таъриф: Кўк нимчасин ечмас ҳеч,

Ёз бўлса ҳам кечмас ҳеч.

Дерсиз, қишда қақшар у,

Айни қишда яшнар у.

3-таъриф: Йилда бир бор меҳмон бўлар

Яшил сочли опамиз.

Уй тўрига ўтказиб,

Тақинчоқлар тақамиз.

2-савол:

1-таъриф: Кичкина доно,

Ичи тўла маъно.

2-таъриф: Илмга кон,

Мазмунга макон,

Сўзи серҳикмат,

Бизга дўст, улфат,

Ўргатар одоб,

Бу нима, Озод?

3-таъриф: Қат-қат қатлама,

Ақлинг бўлса ташлама.

3-савол:

1-таъриф: У табиат ходисаси. Қарияларнинг соч-соқолига ҳам «тушибди» дейишади.

2-таъриф: Совуғи бор

Эмас қор.

Оппоқ, ҳеч ким –

Демас қор.

3-таъриф: Совуқ кунлари ҳамма жойни қоплайди-ю, ҳаво сал илиши билан эриб кетади.

4-савол:

1-таъриф: Айтишларича, у шунақа оққўнгил эканки, мабодо бирор кишини чақиб хафа қилиб қўйса, ўзи ҳам ҳалок бўлар эмиш.

2-таъриф: У ҳашаротнинг номида ширинлик номи қатнашади.

3-таъриф: Гулдан-гулга қўнар у,

Шарбат йиғиб жўнар у,

Йиғиб ўзи емайди,

Уясига тўплайди.

Ҳосили мен-у сенга,

Ким номин айтар менга?

5-савол:

1-таъриф: У далада ўсади. Ундан кийим-кечак, озиқ-овқат тайёрлашади.

2-таъриф: Оқ гулим, оппоқ гулим,

Ҳуснига шайдо элим.

3-таъриф: Дала тўла оппоққуш,

Пати йўғу, момиққуш.

У туфайли элимиз

Тўқ яшайди ёз-у қиш.

6-савол:

1-таъриф: Уни «ноғорачи қуш» деб аташади.

2-таъриф: У қуш доим бир оёқда туради.

3-таъриф: Ҳиндистондан келади лўк,
Оёғи узун, кўзи кўк.

7-савол:

1-таъриф: Тонг отади-ю, уфқда «у» кўринади.

2-таъриф: Тилла сандиқ очилди,
Ичидан зар сочилди.

3-таъриф: Тилла баркаш яраклайди,
Бахт улашиб чарақлайди.

8-савол:

1-таъриф: Ўйинда рақибларни
Елдиради изидан.

Терлатса ҳам уларни,
Тер чиқмайди ўзидан.

2-таъриф: У худди қуёшдек дум-думалок.

3-таъриф: Уни машҳур спортчиларимиз ҳам катта-ю кичик барча севиб
ўйнайди.

9-савол:

1-таъриф: У ҳам бақа, аммо сакролмайди.

2-таъриф: У уясини доим ўзи билан бирга олиб юради.

3-таъриф: У югуриш мусобақасида қуён устидан ғалаба қозонган бўлса
ҳам, жуда секин юради.

10-савол:

1-таъриф: Унинг «кўйлақларини» биз маза қилиб истеъмол қиламиз.

2-таъриф: Кўйлаги қават-қават,
Тугмалари йўқ фақат.

3-таъриф: Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчиларга 10 та топишмоқ-савол билан мурожаат қилинади ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари учта даража бўйича аниқланади:

Юқори даража: 21-30 балл тўплаган ўқувчилар.

Ўрта даража: 11-20 балл тўплаган ўқувчилар.

Қуйи даража: 10 ва ундан кам балл тўплаган ўқувчилар.

Ушбу методика ҳам ўқувчиларда тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради. Юқори синфларга ўтгани сайин топишмоқларни мураккаблаштириб бориш ҳам мумкин. Бундай топишмоқлар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, у нафақат иқтидорнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга ёрдам беради, балки улар тафаккурини, дунёқарашини ўстиришга, зийраклик ва зукколикни шакллаштиришга ҳам ёрдам беради.

III.2. Тажриба-синов ишлари натижаларининг якуний таҳлили

Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаш борасида зланишлар олиб бордик. Тадқиқот давомида кичик мактаб ёшидагўқувчилар психологик-педагогик хусусиятлари, иқтидор ва уни шакллантиришнинг психологик асосларини ўрганиш асосида иқтидорли ўқувчилар билимларни ўзлаштиришдаги фаоллиги, тафаккурининг мустақиллиги, дунёқарашининг кенглиги билан ажралиб туришини аниқладик.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар орасидан иқтидорли ўқувчиларни диагностик усуллар орқали аниқлаш, улар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш учун, даставвал, **ўқувчиларнинг иқтидорлилик мезонларини** қуйидагича белгилаб олдик:

1. Маълумотларни хотирасида яхши ва узоқ сақлай олади;
2. Мустақил, ижодий, мантиқий ва абстракт тафаккури ривожланган;
3. Ҳар қандай вазиятдаги муаммоларни кўра олади ва ушбу муаммоларнинг оригинал ечимини топади.
4. 3-ва ундан юқори мураккиблилик даражасидаги ўқув топшириқларини мустақил равишда тезда ҳал қила олади.

Ўқув топшириқларини бажарилиш тартиби, талаблари ва уни бажаришда ўқувчидан талаб қилинадиган сифатларга ва мураккаблилик даражасига кўра 6 даражага ажратдик.

Ўқув топшириқларининг мураккаблилик даражалари:

1-даража: репродуктив характерга эга бўлиб, топшириқлар дарсликда берилган намуна ёки ўқитувчи тушунтиришлари асосида ҳал этилади;

2-даража: реконструктив характерга эга бўлиб, намунадан қисман фарқ қилади;

3-даража: топшириқлар ҳаётий вазиятлар билан боғланган бўлади ва ўқувчидан мантиқий фикрлаш талаб этилади;

4-даража: топшириқ ечимида янги ўқув материални ўтган дарсларда ўзлаштирилган билимлар билан боғлаш лозим бўлади ва ўқувчидан абстракт тафаккур юритиш талаб этилади;

5-даража: топшириқни бажаришда ўтган ўқув йилида ўзлаштирилган ёки бошқа фанлардан ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш ва ижодкорлик талаб этилади.

6-даража: мустақил равишда топшириқлардаги муаммоларни топиш ва уни ҳал этишга ижодий ёндашиш талаб этилади.

Муаммога доир тадқиқот ишларимиз босқичда амалга оширилди.

Тажриба-синов ишларининг биринчи - аниқловчи босқичида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва қобилиятни шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш асосида бошланғич синф ўқитувчиларининг иқтидорли ўқувчилар билан олиб бораётган ишларини ўргандик, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар орасидан иқтидорли ўқувчиларни аниқладик. Ушбу босқичда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг иқтидорлилик мезонларини ҳам белгилаб олдик.

Тадқиқотимизнинг иккинчи босқичида психодиагностика методлари асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда иқтидорнинг шаклланганлик даражасини диагностика қилиш методикасини ишлаб чиқдик ва улар ташкил этиладиган машғулотларда фойдаланиладиган топшириқлар тизимини

тайёрладик. Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган диагностик методика асосида тажриба гуруҳидан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб олдик. Иқтидорли ўқувчилар билан изланишларимиз давомида тузилган топшириқлар тизими асосида алоҳида машғулотлар ташкил этдик.

Муаммога доир изланишларимизнинг учинчи – текшириш босқичида изланишларимиз давомида ишлаб чиқилган диагностик усул ва иқтидорли ўқувчилар билан ташкил этилагн машғулотларнинг самарадорлик даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Бунинг учун математика фани мисолида бошланғич синф ўқувчилари орасидан иқтидорли ўқувчилар сонини аниқлашга ҳаракат қилдик ва ушбу кўрсаткичларни тажриба аввалидаги натижалар билан қиёсладик. Маълумотлар аниқ бўлиши учун жадвалда тажриба-аввалида ва тажриба охиридаги натижаларни биргаликда келтирамыз:

3.2.1-жадвал

Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги

Синфлар	Иқтидорли ўқувчилар		Яхши даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	1	1	11	13	26	24	12	16
<i>Тажриба якунида</i>	3	1	19	17	26	24	2	12
2-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	2	2	24	22	24	24	14	10
<i>Тажриба якунида</i>	4	2	30	24	23	24	7	7

3-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	2	2	12	12	24	22	22	20
<i>Тажриба яқунида</i>	4	2	20	17	23	23	13	15
4-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	2	1	24	27	24	28	8	10
<i>Тажриба яқунида</i>	5	2	28	30	21	26	4	8

Тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида тажриба синфларида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ишлари олиб борилди. Ҳар бир синфдаги иқтидорли ўқувчилар билан ишлаб чиқилган методика асосида қўшимча машғулотлар ва дарс давомида қўшимча топшириқлар бериб борилди. Қўлланилган бундай методика, нафақат иқтидорли ўқувчилар қобилиятларини ўстиришга, балки барча ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини ҳам ўстиришга хизмат қилди. Буни биз 3.2.1-жадвалдаги тажриба синфларида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш кўрсаткичларидаги ўсишларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Бундан ташқари бошланғич синф ўқитувчилари ҳам иқтидорли ўқувчилар учун ишлаб чиқилган топшириқларни мамнуният билан қабул қилдилар. Уларнинг фикрича, бундай топшириқлар тизими иқтидорли ўқувчилар қобилиятларини ўстиришга, уларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари дарс давомида фойдаланилган бундай топшириқларни бажариш учун синфдаги бошқа ўқувчилар ҳам интила бошлаганлар. Ва ҳаттоки айрим ўқувчиларда шу кунгача сезилмаган иқтидор нишонлари кўзга ташлана бошлади.

Бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини аниқлашга доир ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари акс этган юқоридаги жадвал

маълумотларига аниқлик киритиш мақсадида бошланғич синфларда ўқувчиларнинг тест саволларига берган жавобларини фоиз ҳисобидаги таҳлилини келтирамиз:

3.2.2-жадвал

Бошланғич синфларда ўқувчилар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлиги

(фоиз ҳисобида)

Синфлар	Иқтидорли ўқувчилар		Яхши даража		Ўрта даража		Қуйи даража	
	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	2	1.8	22	24	52	44	24	29
<i>Тажриба якунида</i>	6	1.8	38	31	52	44	4	23
2-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	3.1	3.4	37.5	37.9	37.5	41.3	21.8	20.6
<i>Тажриба якунида</i>	6.2	3.4	46.8	41.3	35.9	41.3	10.9	17.2
3-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	3.5	3.3	21.4	20	42.8	36.6	39.2	33.3
<i>Тажриба якунида</i>	7.1	3.3	35.7	28.3	41	38.3	23.2	25
4-синф ўқувчилари <i>Тажриба аввалида</i>	3.4	1.6	41.3	45	41.3	46.6	13.7	16.6
<i>Тажриба якунида</i>	8.6	3.3	48.2	50	36.2	43.3	6.8	13.3

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан бошланғич синф ўқувчилари орасидан иқтидорлиларни психодиагностика усуллари асосида танлаб олиш ва улар билан мунтазам машғулотлар олиб бориш иқтидорли ўқувчилар билиш фаоллигининг ўсишига ва қизиқишларининг ортишига олиб келганлигини кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари синфдаги бошқа ўқувчиларнинг ҳам билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари кучайди ва таълим самарадорлигининг ўсишига олиб келди.

3-боб юзасидан хулосалар

1. Бошланғич синф ўқувчилари орасидан тил ўрганишга қобилияти бўлган ёки ижодий тафаккур юрита оладиган, дунёқараши кенг ўқувчиларни танлаб олишда психодиагностикага асосланган методикадан фойдаланиш яхши самара беради.

2. Изланишларимиз давомида ташкил этилган тажриба-синов ишлари тадқиқотимиз натижаларининг самарали эканлигини кўрсатди.

3. Тажриба-синов ишлари давомида иштирок этган бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчиларининг иқтидорли ўқувчилар учун ишлаб чиқилган топшириқлар тизимига бўлган талаби ҳали бу борада изланишларни ва методик тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этишини кўрсатди.

ХУЛОСА

Таълим мазмунини мунтазам модернизациялаш ва унинг истиқболли моделларини белгилаш, назарий жиҳатдан асослаш педагогика фанининг долзарб масалаларидан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ёш авлодни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири сифатида эътироф этилади. Чунки ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш деганда уларнинг ақл-идроки, заковати, етуқлигини таъминлаш назарда тутилади. Шу сабабли, бошланғич синфданок таълим мазмунини ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, кизиқишлари, имкониятларига мослаштириш асосида улар қобилиятларини ўстириш ҳамда таълим сифатини ошириш борасида изланишлар олиб бордик ва қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Таълим жараёнида иқтидорли ўқувчиларни интеллектуал ривожлантириш жараёни билан параллел равишда қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар имкониятларини ҳам инобатга олиб ўқитишда дифференциал таълимнинг аҳамияти катта. Дифференциал таълимда ўқувчиларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилган дидактик жараён ўзининг яқин ва узоқ мақсадларига эга бўлиб, бу мақсадларга эришиш учун муайян дидактик воситалардан фойдаланиш тақозо этилади.

2. Ўзбек халқи таълим тизимида ўқув-билув жараёнини индивидуаллаштириш ва табақалаштириш соҳасида муайян тажрибалар мавжуд, аммо улар ўзининг ижобий ҳамда салбий жиҳатларига эгаллиги сабабли бу боарада изланишларни давом эттириш тақозо этилади. Ўқувчиларга гуруҳли ёндашган ҳолда ўқув жараёнини табақалаштириш мақсадга мувофиқлиги анъанавий таълим жараёнида ўзини оқлаганлигини амалий тажрибалар яққол кўрсатмоқда.

3. Дифференциал таълим жараёнида ўқувчиларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш учун ўқитувчи ўқув-билув жараёнининг бошқарувчиси сифатида алоҳида ўрин эгаллаб, мазкур жараённинг

демократия ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этилишини таъминлаши лозим.

4. Олиб борган илмий тадқиқотимиз давомида психологик ва педагогик адабиётлар таҳлиliga ва кузатишларимизга таянган ҳолда математик таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни дифференциаллаштириш мезонлари ишлаб чиқилди. Ҳамда ушбу мезонларга таяниб ўқувчиларга турли даражадаги мустақил иш топшириқларини бериш асосида дифференциал таълимни ташкил этиш методикаси тайёрланди. Бундай методика амалда синовдан ўтказилди ва самарадор эканлиги аниқланди.

5. Илмий изланишларимиз давомида бошланғич синф ўқувчилари учун таълим жараёнида тақдим этиладиган ўқув топшириқларини мураккаблилик даражасига кўра 6 даража бўйича таснифлашни тавсия қилдик. Ўқув топшириқларни бундай таснифлаш, нафақат иқтидорли ўқувчиларни аниқлашга, балки таълим жараёнида ўрта ва қуйи даражада билимларни ўзлаштирадиган ўқувчилар билан ишлаш жараёнини ҳам осонлаштиришга ёрдам беради.

6. Дифференциал таълимда ўқувчилар қобилиятларини ўстиришнинг муҳим шарти таълим жараёнида эркин, ижодий муҳит яратишдир. Бундай муҳитда билим оладиган ўқувчилар ўз фикрларни эркин ифодалаш ва имкониятларини турли йўналишларда синаб кўриш имкониятига эга бўладилар.

Тавсиялар

1. Ҳар бир бошланғич синф дарсликларида иқтидорли ва қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар учун дарсда фойдаланиш учун топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш ва дарсликларга илова тарзида бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ёки ҳар бир синф ва фан бўйича бундай топшириқларни ўзида мужассамлаштириган алоҳида ўқув қўлланмаларини нашр эттириш мақсадга мувофиқдир.

2. Дифференциал таълимни ташкил этишда ўқитувчи мезонларга мос ҳолда дифференциаллаштирилган ўқув топшириқларидан тўғри

фойдаланишни ўрганиши лозим. Шунингдек, бундай топшириқлардан фойдаланишда ўқувчиларнинг имкониялари ва қизиқишларига таяниб ўзгартиришлар киритиш борасида ҳам ўқитувчиларга эркинлик бериш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «Таълим тўғрисида»ги қонун // «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.– Б. 20 – 29.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4199 қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ талими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289 қарори.
5. Абдалова С., Мавлянов А. Мустақил таълимни ташкил этиш технологияси. Укув кулланма. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2009.- 104 б.
6. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ташкил этишнинг назарий асослари. Пед. фан. доктори. дисс... автореф.-Т.: 2003.-44 б.
7. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”, 2000.
8. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник.- М.: Аспект Пресс, 1999.-376 с.
9. Аҳмедов М., Абдурахмонова Н., Жумаев М. Математика. 1-синф учун дарслик. Тошкент: Турон-иқбол. – 2018. 160 б.
10. Безрукова В.С. Основы духовной культуры (энциклопедический словарь педагога).— Екатеринбург. 2000
11. Бим-Бад Б.М. Педагогический энциклопедический словарь. — М., 2002. С. 74
12. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2006 – 382 с.
13. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения.– М.: ИРПО. 1996.-336 С.

14. Бикбаева Н., Янгибаева Э., Гирфанова К. Математика. 4-синф учун дарслик. Тошкент: Ўқитувчи. – 2017. 208 б.
15. Бурхонов С., Худоёров Ў., Норкулова Қ. Математика. 3-синф учун дарслик. Тошкент: Шарқ. – 2018. 206 б.
16. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении. – М.: Просвещение. 1991. –215 с.
17. Жумаев М.Э.Янги авлод тарбиячилари.// Халқ таълими.- Тошкент,1995. №5. 94-б.
18. Маркова А.Н. Психология труда учителя / Кн. Для учителей. – М.:Просвещение. 1993.-190 с.
19. Мерлин В.С. Психология индивидуальности .Под ред. Е.А.Климова.– Воронеж. НПО «Модек». 1996.-448 с.
20. Митина Л. М. Учитель как личность и профессионал (психологические проблемы). – М.: Дело. 1994.-215 с.
21. Моисеев В.Б. Информационные технологии в системе высшего образования. - Пенза, 2002. С. 94.
22. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей: Пособие для уч-ся. М:Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 2003. 320 с.
23. Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. — СПб.: КАРО, 2006.
24. Сатторов Э.Н. Умумий урта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитишнинг ташкилий жиҳатлари // «Умумтаълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш муаммолари» Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: ЎзПФТИ. 2003. - Б.118-121.
25. Сафарова Р. Табақалаштирилган таълимга ўтишнинг айрим масалалари // «Умумтаълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш муаммолари» Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Т.: ЎзПФТИ. 2003. - Б.124-127.
26. Сафарова Р. Шахсни шакллантириш омиллари. //Ж.Таълим тараққиёти. 2001. № 3-4. 60-63 б.

27. Толипов Ў.Қ. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан, 2005. – 23 б.

28. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. II/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва б.қ. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.

29. Гаффорова Т., Нуруллаева Ш. Бошланғич синф она тили дарсларида мустақил ишлар ва дидактик ўйинлар. Қарши: Насаф. – 2003. 42 б.

30. Интернет материаллари

www.ziyonet.uz

www.pedagogika.uz

Иловалар

Ўқитувчилар учун анкета саволлари

1. Иқтидорли ўқувчи қандай бўлади, деб ўйлайсиз?
2. Қуйидагилардан иқтидорлилик сифатларини белгиланг:
3. Иқтидор ёки қобилият туғмами ёки фаолият давомида орттириладими?
4. Сизнингча, бир синфда нечтагача ёки неча фоизгача иқтидорли ўқувчи бўлиши мумкин?
5. Ўқувчиларда иқтидорнинг мавжудлигини қандай аниқлайсиз?
6. Сизда иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган махсус иш дастури ва ўқув материали мавжудми?
7. Иқтидорли ўқувчилар билан, асосан, қачон ишлайсиз: дарсдами ёки дарсдан ташқари вақтдами?
8. Сиз ўқитаётган ўқувчилар орасидан қайси йўналишдаги иқтидорли ўқувчилар кўпроқ?
9. Иқтидорнинг мавжудлиги қайси омилларга боғлиқ?
10. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни такомиллаштириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?

Математикадан тест саволари




(3-синф учун)

- 1) 1 сутка неча соат? а) 24 в) 12 д) 100
- 2) 1 соат неча минут? а) 120 в) 60 д) 24
- 3) 1 йил неча суткадан иборат? а) 365, 366 в) 360, д) 320
- 4) 1 йил неча ойдан иборат ? а) 24 в) 365 д) 12
- 5) 1 минут неча секунд? а) 60 в) 70 д) 24



1. Иккита қайиқлар тўхташ жойида тенг миқдорда қайиқлар турибди. Уларнинг 25 тасисувга тушгандан кейин биринчи тўхташ жойида 10 та, иккинчисида эса 5 та қайиқ қолди. Тўхташ жойида нечтадан қайиқ бўлган?

2. Аввал ҳамма олмаларнинг ярми, сўнг яна 3 таси ейилгандан кейин, ликопчада 12 та олма қолди. Дастлаб ликопчада нечта олма бўлган?






3. Ҳар қайси шаклнинг қандай қисми бўялган?



4. Кўпбурчаклардан қайси бири айланага ички чизилган (айлананинг ичига сиғади)?



5. Бу шаклларда нима умумий ? 3-шакл бошқаларидан нимаси билан фарқ қилади?



Мавзу: Еттини кўпайтириш ва еттига бўлиш (саёҳат дарси).

Дарсинг мақсади:

1) Ўқувчиларнинг кўпайтириш ва бўлиш юзасидан олган билимларини мустаҳкамлаш, мисол ва масалалар ечиш малакасини ҳосил қилиш.

2) Ўқувчиларда эркин ва мустақил фикрлашни шакллантириш, уларда ҳамкорлик ва жамоа бўлиб ишлаш мақсадига эришиш руҳида тарбиялаш. Ўқувчиларга огоҳлик, хушёрлик, ватанни асраш ҳислатларини шакллантириш.

3) Ўқувчиларнинг кундалик ҳаёти ва амалий фаолиятида эгаллаган билимларини қўллай олиш малакасини, қобилиятини ривожлантириш.

Дарсинг шакли: Ноанъанавий. Саёҳат дарси.

Дарсинг тури: Янги билим берувчи

Кутилаётган натижа. Ўқувчилар еттини кўпайтириш ва еттига бўлишни тўлиқ ўзлаштирадилар.

Дарсинг жиҳози: Рақамли карточкалар, мавзуга доир мисол ва масалалар ёзилган ҳамда дарс ишланмаси ёзилган дискета, компьютер, мультимедиа, 2-синф математика дарслиги.

Дарсинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

1. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги.
2. Синф хонаси тозалиги, ўқувчилар давомати.

II. Асосий қисм.

Дарсга семурғ қуши кириб келади:

-Ассалому-алайкум болажонлар!

-Мен семурғ қуши бўламан, сизларга ажойиб эртақ айтиб бераман.

Бир бор экан, бир йўқ экан қадим ўтган замонда ариқда шарбат, сойда сут оққанда, булоқда қаймоқ, ҳовузда нишолда бўлганда, туя ёнғоқ ютиб, товуқ олтин тухум тукқанда бахт водийси ортида баланд тоғлар бағрида улкан қаср жойлашган бўлиб, унинг деворидан ҳатто

кушлар ҳам учиб ўта олмас экан. Бу қаср бутун дунёга нур-у зиё таратиб, ҳамма кушларни ўзига ром қилар экан.

Етти ўқувчи чиқадилар. Ўқувчилар ҳар бирида битта куш расми тасвирланган плакатни тақиб, гаплашадилар.

- Қани дўстлар, ҳаммамиз аҳил, иноқ бўлиб бахт водийсидан ўтиб, “Математика қасри”га бориб хизмат қиламиз. Илм ҳисоб-китоб ишларидан хабардор бўламиз дейишибди.

Улар узоқ жуда ҳам узоқ парвоз этиб “Бахт” водийсига этиб келишибди. Улар бу ерда дам олиб, чарчоғини чиқариб яна сафарга отланмоқчи бўлиб турганларида “Бахт водийси” маликаси пайдо бўлиб, уларнинг эзгу ниятларидан хабардор бўлиб, шундай савол ташлабди:

Сизлар еттовлон дўст экансизлар! Дўст-дўстнинг таянчи дейдилар. Қани, етти тўғрисида нималарни биласиз? Сўзлаб берингчи?

Кушлар бирин-кетин жавоб бера бошладилар:

Хумо: Мен дунёнинг етти мўъжизасини биламан.

Кабутар: Етти хазина.

Бойкуш: Тўртга учни қўшсак етти бўлади.

Бургут: Ўндан учни айирсак етти қолади.

Ҳудхуд: Етти-еттита бирликдан иборат.

Лочин: Етти иқлим.

Қалдирғоч: Етти қарра етти қирқ тўққиз.

Баракалла сизлар, билағон экансиз! Сизга омад ёр бўлсин!-деб малика математика қасрига йўл кўрсатибди. Кушлар бир-бирига дўстона, хайрихоҳлик билан узоқ, машаққатли давонлардан ўтиб, математика қасрига етиб келишибди. Аммо қасрга қанча уринишса ҳам кира олишолмабди.

Қасрда иккита бирин-кетин дарвозалар бўлиб, бу дарвозалар “Кўпайтириш” ва “Бўлиш” деб номланар эди.

Кабутар:

Элчи бўлиб келдим, мен.

Тинчлик кабутариман,
 Огоҳ бўлиш бурчингиз,
 Дарвозангиз очингиз.

Посбонлар бу сўзларни тинглаб. “Огоҳлик, зийраклик, хушёрлик бурчимиздир!”,-деб қуйидагича шарт қўйишибди: Ўқитувчи мультимедиа ва компьютердан фойдаланиб, мисолларни экранга чиқаради. Ўқувчилар оғзаки жавоб берадилар.

$$7*5= \quad 7*6= \quad 56:8= \quad 7*8= \quad 8*7= \quad 63:7=$$

$$7*9= \quad 9*7= \quad 28:7=$$

Мени дерлар Қалдирғоч.
 Дарвозангиз тезда оч,
 Тилакдошман дўстликка,
 Хайриҳоҳман билимга.

Посбонлар ушбу масалани ечсангиз, сизлар учун “Кўпайтириш” дарвозаси очик:

Ўқитувчи компьютер мультимедиа орқали экранга 1101-масалани ёзиб чиқаради.

1101-масала. Ифодаларни ёзинг ва қийматларини ҳисобланг:

1. Биринчи қўшилувчи 57, иккинчи 4 билан 9 нинг кўпайтмаси.
2. Бўлинувчи 27, бўлувчи 40 ва 31 сонларининг айирмаси билан ифодаланган.
3. Камаювчи 85, айрилувчи 10 ва 3 сонларининг кўпайтмаси билан ифодаланган.

Ўқувчилар дафтарга ҳисоблайдилар. Ўқитувчи уларнинг ҳаракатларини назорат қилиб боради. Масала ечилгач:

Қушлар “Бўлиш” дарвозасига яқинлашадилар.
 Бургут сўзлайди:
 Юксакларга парвозим,
 Яхши ният ҳамроҳим,

Ҳушёр бўлингиз доим.

Дарвозанг оч посбоним.

Посбон: “Ватаннинг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлаш бурчимиздир!”,-деб ўз шартини қўяди: **1102-масала**. Расм ва жадвал бўйича масала тузинг ва ечинг.

Ўқувчилар ўз фикрлари орқали масалалар тузиб, уни ечадилар:

Харидор дўкондан учта пакетда жами 9 кг ун харид қилди. У 7 та пакетда ун харид қилса, неча килограмм ун харид қилган бўлади?

Пакет массаси	Пакетлар сони	Ҳамма пакетлар Массаси
Бир хил	3 та 7 та	9 кг ?

Хумо:

Тарқатаман нур-у зиёни,

Қўриқлайман ер-у самони.

Ҳозир ҳисоб-китоб замони,

Ҳушёр тургин даврим посбони.

Поспон дарвозани очади: Агар сиз ушбу тест savollarini yechsangiz, “Математика қасри” дарвозаси сиз учун очикдир:

- | | | | |
|-----------------------|-------|-------|-------|
| 1) $8 \cdot 7 - 56 =$ | A) 1 | B) 0 | C) 55 |
| 2) $90 - 9 \cdot 7 =$ | A) 13 | B) 71 | C) 17 |
| 3) $65 + 49 : 7 =$ | A) 72 | B) 71 | C) 70 |
| 4) $11 - 63 : 7 =$ | A) 0 | B) 2 | C) 1 |

Азиз болажонлар! Мана “Математика” қасрига ҳам кириб олдик энди, ҳақиқий ҳисоб илми билан шуғулланамиз.

Ўқувчиларга ҳар хил кўринишдаги карточкалар тарқатилади.

(Карточкалардан намуналар келтирамиз).

1-kartochka Taqqoslang	
$7+7+7$	$4*5$
$7*5-1$	$7*4$
$(10-3)*7$	
$7*7$	

2-kartochka Taqqoslang	
$2*7+3*7$	
$7+7+7+7+7$	
$7*(6-3)$	$7*3$
$6*(10-3)$	$7*5+6$

3-kartochka Hisoblang	
1)	$7*7-34=$
2)	$8*7-28=$
3)	$7*9-54=$

4-kartochka Hisoblang	
1)	$49:7*8=$
2)	$63:9*6=$
3)	$56:8*4=$

Мустаҳкамлаш.

Дарсликдан 1100-мисол ечилади.

Азиз болажонлар! Биласизми, ўзбек тилига асос солган, яъни ўзбек тилида биринчи бўлиб шеър ва ҳикоялар ёзган шоир ким?

Ўқувчилар: Алишер Навоий.

Биз ҳозирги дарсимизда Алишер Навоийнинг машҳур “Қуш тили” яъни “Лисон-ут тайр” китобидан фойдаландик.

III. Якуний қисм.

1. Дарсга фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади.

2. Уйга вазифа 1106-1107-мисол.